

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2020 йил июль ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Н.Ишмурадов, судья ёрдамчиси А.Номозов, тарафлардан Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Каримов, судланувчи З.Тўйчиева ва унинг ҳимоячиси-адвокати Р.Маннонов, судланувчи М.Гулямова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Рузимуродов, судланувчи Н.Шарифова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Н.Абдуллаев ҳамда жабрланувчиларнинг иштирокида, судланувчилар Тўйчиева Зумратой Толиповна, Гулямова Маъмура Ахроловна ва Шарифова Нодира Махсумовналарга нисбатан 1-1801-2002/53-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тўйчиева Зумратой Толиповна (То`uchiyeva Zumratoy Tolipovna), 1964 йил 24 октябрда Фарғона вилояти Киров туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, мукаддам

1) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2007 йил 14 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 1 йил синов муддати белгиланган;

2) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2007 йил 30 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “а,б,в” бандлари билан айбли деб топиб, ЖКнинг 59-моддасининг 6-қисмига асосан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 1 йил 6 ой синов муддати белгиланган, тайинланган жазодан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2007 йил 7 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 30.11.2007 йилдаги “Амнистия туғрисида”ги Қарорига асосан озод қилинган;

3) Жиноят ишлари бўйича Кашкадарё вилояти Деҳқонобод туман судининг 2008 йил 22 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан кўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 30.11.2007 йилдаги “Амнистия туғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;



4) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2010 йил 8 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 28,211-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан кўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.08.2010 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

5) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2012 йил 9 мартдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

6) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2012 йил 28 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б,в” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28,211-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-банди “а” кичик бандига асосан жазодан озод қилинган;

7) Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийул туман судининг 2013 йил 24 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 177-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 25,211-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

8) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2013 йил 28 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

9) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2013 йил 13 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

10) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2014 йил 25 апрелдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.12.2013 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

11) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2014 йил 14 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 25,211-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.12.2013 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

12) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2014 йил 13 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

13) Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийул туман судининг 2015 йил 11 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б,в” бандлари ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 5 йил 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

14) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2015 йил 4 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

15) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2015 йил 16 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан узил кесил 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2017 йил 20 октябрдаги ажримига кўра, ўталмасдан қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил 9 ой



21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2018 йил 28 августдаги ажримига кўра, ўталмасдан қолган 3 йил 2 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, “Бисёр Барака Бизнес Омад” МЧЖда иш юритувчиси бўлиб ишлаган, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Гулхайний кўчаси, 12-уйда рўйхатда туриб, Тошкент вилояти Янгийўл тумани, “Туябўғиз” МФЙ, Олмазор кўчаси, 26-уйда яшаган, “қамоқ олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2019 йил 16 декабрь куни ушланган, айблов хулосаси нусхасини айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 5 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Гулямова Маъмура Ахроловна (Gulyamova Ma`mura Axrolovna), 1975 йил 6 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, мукаддам

1) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2004 йил 13 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 189-моддасининг 3-қисми, 184-моддасининг 3-қисми, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 19 октябрдаги ажримига асосан унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, тайинланган жазо 5 йилга келтирилиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилган ҳолда тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2004 йилдаги амнистия актига асосан 04.04.2005 йилда тайинланган жазодан озод этилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2007 йил 7 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59,60,61-моддаларига асосан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда



2 йил 1 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда 3 ой муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2010 йил 26 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2010 йил 14 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг “а,б,в” бандлари, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 223-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми ва 60-моддасига асосан, 3 йил муддатга ойлик иш ҳақининг 30 фоизи давлат даромадига ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2012 йил 16 февралдаги ажрими кўра, 05.12.2011 йилдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Фаол кўчаси, 61-уйда яшаган, “қамоқ олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2019 йил 16 декабрь куни ушланган, айблов ҳулосаси нухасини 2020 йил 5 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Шарифова Нодира Махсумовна (Sharifova Nodira Maxsumovna) 1968 йил 18 августда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, мукаддам

1) Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2019 йил 17 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбдор деб



топилиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан, 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 28 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 60,61-моддалари тартибида, 2 йил муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, ёшга доир нафақада, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Кохота” МФЙ, Пироезд фаол кўчаси 11^А-уйда яшаган, “қамоқ олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2020 йил 22 январь куни ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 5 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2018 йил сентябрь ойининг охирларида судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловна, Шарифова Нодира Махсумовна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, фуқароларни чалғитиб уларнинг пулларини қўлга киритиш мақсадида маълум ўқув юртида ўқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни қалбакилаштириб, Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Халимова Гўзалои Камаловнадан 2000 АҚШ доллари ва Сатторов Мақсуд Абдухофиз ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Хазратқулов Абдихофиз Сатторовичдан 2.000 АҚШ долларни, жами 4000 АҚШ долларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, З.Тўйчиева хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида,



2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловна, Шарифова Нодира Махсумовна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳар Қарши Давлат Университети ховлисида бўла туриб, фуқароларни чалғитиб уларнинг пулларини қўлга киритиш мақсадида, маълум ўқув юртида ўқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни қалбакилаштирилганини била туриб, Халимова Шарапатдан 1.500 АҚШ доллари, Исанова Дилафруз Шодиевнадан 1.200 АҚШ доллари, Отабекова Фазилат Азаматовнадан 1.000 АҚШ доллари, Ражабов Махмарасул Ороловичдан 1.000 АҚШ доллари, Рахимов Урал Каримовичдан 2.000 АҚШ доллари, Қурбонов Ойбек Юлдашевичдан 3.000 АҚШ доллари, Умаров Асрор Аброевичдан 2.000 АҚШ доллари, Тайлақова Мўтабар Исмаиловнадан 2.000 АҚШ доллари, Рўзиева Малоҳат Баймуратовнадан 2.000 АҚШ доллари, Эргашева Зебинисо Турдиевнадан 2.000 АҚШ доллари, Сатторов Асқар Болтаевичдан 2.000 АҚШ доллари пулларни, жами 19.700 АҚШ доллари пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, З.Тўйчиева хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловна, Шарифова Нодира Махсумовна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, Азаматов Дилшод Фахриддин ўғли номига 08.10.2018 йилда расмийлаштирилган 072114-сонли буйруқ, Сатторов Максуд Абдухофиз ўғли номига 12.10.2018 йил куни расмийлаштирилган 092114-сонли, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|4-сонли, Азимова Зулфия Ураковна номига 11.09.2018 йил куни 147|9-сонли, Тайлақова Мўтабар Исмаиловна номига 11.10.2018 йил куни 147|15-сонли, Рўзиева Малоҳат Баймуратовна номига 11.10.2018 йил куни 147|11-сонли, Абдухакимова Файёза Абдухакимовна номига 11.09.2018 йил куни 147|04-сонли, Исанова Дилафруз Шодиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|4-сонли, Матлабова Мадина Алишер қизи номига 11.09.2018 йил куни 147|7-сонли, Мейлиева Марифат Абдусаломовна номига 11.09.2018 йил куни 146|3-сонли, Оролов Азизбек Махмарасул ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|5-сонли, Раджабова Гулзода Абдувахоб қизи, номига 11.10.2018 йил куни 147|13-сонли, Эргашева Зебинисо Турдиевна номига 10.11.2018 йил куни 147|10-сонли, Рахимова Зебо Ураловна номига 15.10.2018 йил куни 151|13-сонли, Чориева Хуснора Ганишер қизи номига 15.10.2018 йил куни 151|14-сонли, Қамбарова Муаттар Очиловна номига 15.10.2018 йил куни 147|12-сонли, Эшонкулова Раҳима Нарзуллаевна номига рақамсиз, Эсанова Дилдора Қаршиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|2-сонли, Сафарова Марғуба Рахимовна номига 11.10.2018 йил куни 147|2-сонли, Эсонова Дилдора Каримбаевна номига 11.10.2018 йил куни 149|8-сонли, Эшанкулова Раҳима Нарзуллаевна номига 11.09.2018 йил куни 147-сонли, Шодмонова Зебинисо Абраевна номига 11.10.2018 йил куни 147|4-сонли, Ризаева Назира Эшқобиловна номига 11.08.2018 йил куни 150|10-сонли, Умарова Сарвиноз



Тошмахамад қизи номига 11.10.2018 йил куни 147|5-сонли, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.10.2018 йил куни 150|9-сонли буйруқларни қалбаки эканлигини била туриб, фуқароларни чалғитиб уларнинг пулларини қўлга киритиш мақсадида ўқув юртида ўқишга ҳуқуқ берувчи қалбаки хужжатларни тарқатган.

Судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловна, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2018 йилнинг сентябрь ойининг охирларида судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна, Шарифова Нодира Махсумовна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Халимова Гўзалой Камаловнанинг 2.000 АҚШ долларини ва Сатторов Максуд Абдухофиз ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Хазратқулов Абдихофиз Сатторовичнинг 2.000 АҚШ долларини судланувчи З.Тўйчиева ва Н.Шарифова орқали олиб, жами 4000 АҚШ доллари пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, М.Гулямова такроран ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна, Шарифова Нодира Махсумовна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, жабрланувчи Халимова Шарапатдан 1.500 АҚШ доллари, Исанова Дилафруз Шодиевнадан 1.200 АҚШ доллари, Отабекова Фазилат Азаматовнадан 1.000 АҚШ доллари, Ражабов Махмарасул Ороловичдан 1.000 АҚШ доллари, Рахимов Урал Каримовичдан 2.000 АҚШ доллари, Қурбонов Ойбек Юлдашевичдан 3.000 АҚШ доллари, Умаров Асрор Аброевичдан 2.000 АҚШ доллари, Тайлақова Мўтабар Исмаиловнадан 2.000 АҚШ доллари, Рўзиева Малоҳат Баймуратовнадан 2.000 АҚШ доллари, Эргашева Зебинисо Турдиевнадан 2.000 АҚШ доллари, Сатторов Асқар Болтаевичдан 2.000 АҚШ доллари пулларни судланувчи З.Тўйчиева ва Н.Шарифова орқали олиб, жами 19.700 АҚШ долларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Шунингдек, М.Гулямова такроран ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна, Шарифова Нодира Махсумовна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, маълум ўқув юртида ўқиш ҳуқуқини берувчи хужжатларни қалбаки эканлигини билган ҳолда Азаматов Дилшод Фахриддин ўғли номига 08.10.2018 йил куни расмийлаштирилган 072114-сонли буйруқ, Сатторов Максуд Абдухофиз ўғли номига 12.10.2018 йил куни расмийлаштирилган 092114-сонли буйруқ, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|4-сонли, Азимова Зулфия Ураковна номига 11.09.2018 йил куни 147|9-сонли, Тайлақова Мўтабар Исмаиловна номига 11.10.2018 йил куни 147|15-сонли, Рўзиева Малоҳат Баймуратовна номига 11.10.2018 йил куни 147|11-сонли, Абдухакимова Файёза Абдухакимовна номига 11.09.2018 йил куни 147|04-



сонли, Исанова Дилафруз Шодиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|4-сонли, Матлабова Мадина Алишер қизи номига 11.09.2018 йил куни 147|7-сонли, Мейлиева Марифат Абдусаломовна номига 11.09.2018 йил куни 146|3-сонли, Оролов Азизбек Махмарасул ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|5-сонли, Раджабова Гулзода Абдувахоб қизи, номига 11.10.2018 йил куни 147|13-сонли, Эргашева Зебинисо Турдиевна номига 10.11.2018 йил куни 147|10-сонли, Рахимова Зебо Ураловна номига 15.10.2018 йил куни 151|13-сонли, Чориева Хуснора Ганишер қизи номига 15.10.2018 йил куни 151|14-сонли, Қамбарова Муаттар Очиловна номига 15.10.2018 йил куни 147|12-сонли, Эшонкулова Рахима Нарзуллаевна номига рақамсиз, Эсанова Дилдора Қаршиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|2-сонли, Сафарова Марғуба Рахимовна номига 11.10.2018 йил куни 147|2-сонли, Эсонова Дилдора Каримбаевна номига 11.10.2018 йил куни 149|8-сонли, Эшанкулова Рахима Нарзуллаевна номига 11.09.2018 йил куни 147-сонли, Шодмонова Зебинисо Абраевна номига 11.10.2018 йил куни 147|4-сонли, Ризаева Назира Эшкобиловна номига 11.08.2018 йил куни 150|10-сонли, Умарова Сарвиноз Тошмахамад қизи номига 11.10.2018 йил куни 147|5-сонли, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.10.2018 йил куни 150|9-сонли буйруқларга Н.Шарифова томонидан юқорида номлари келтирилган фуқароларни олий ўқув юртига апелляция тартибида ўқишга кирганлиги тўғрисида сохта маълумотлар жойлаштирилганлигини билгани ҳолда жиноят содир этган.

Судланувчи Шарифова Нодира Махсумовна хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2018 йил сентябрь ойининг охирларида судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна, Гулямова Маъмура Ахроловна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, фуқароларни чалғитиб уларнинг пулларини қўлга киритиш мақсадида маълум ўқув юртида ўқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни қалбакилаштириб, Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Халимова Гўзалой Камаловнадан 2000 АҚШ доллари ва Сатторов Мақсуд Абдухофиз ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Хазраткулов Абдихофиз Сатторовичдан 2.000 АҚШ долларини, жами 4000 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, Н.Шарифова хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна, Гулямова Маъмура Ахроловна ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳар Қарши Давлат Университети ҳовлисида бўла туриб, фуқароларни чалғитиб уларнинг пулларини қўлга киритиш мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштириб, уларга ушбу қалбаки ҳужжатларни кўрсатиб, жабрланувчи Халимова Шарапатдан 1.500 АҚШ доллари, Исанова Дилафруз Шодиевнадан 1.200 АҚШ доллари, Отабекова Фазилат Азаматовнадан 1.000 АҚШ доллари, Ражабов Махмарасул



Ороловичдан 1.000 АҚШ доллари, Рахимов Урал Каримовичдан 2.000 АҚШ доллари, Қурбонов Ойбек Юлдашевичдан 3.000 АҚШ доллари, Умаров Асрор Аброевичдан 2.000 АҚШ доллари, Тайлақова Мўтабар Исмаиловнадан 2.000 АҚШ доллари, Рўзиева Малоҳат Баймуратовнадан 2.000 АҚШ доллари, Эргашева Зебинисо Турдиевнадан 2.000 АҚШ доллари, Сатторов Асқар Болтаевичдан 2.000 АҚШ доллари пулларни, жами 19.700 АҚШ доллари пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Жабрланувчи Халимова Гузалой судда, кўп йиллардан буён Қарши Педагогика коллежида инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келганини, бундан ташқари репититорлик қилиб шогирдлар ҳам тайёрлаганини, Азаматов Дилшодни кўп йиллардан буён танишини, уни оиласи билан яқин муносабатда бўлганлиги учун Дилшод Украинанинг Харьков институтига ўқишга кирганидан кейин 2018 йил Ўзбекистонга кўчириш имтихонидан йиқилганини, унга ёрдам бериш мақсадида имтихондан балли етмаса ўтказиш ёки қайта топшириш тартибини аниқлаш учун Тошкент шаҳрига Олий таълим Вазирлигига борганини, шунда Вазирликнинг ёнига турганида Навоий вилоятидан бўлган устози Икромов Раббимқул унга телефон қилиб қолганини, ундан қаерда эканлигини сўраганида шогирди Азаматов Дилшоднинг ишлари бўйича Олий таълим Вазирликда келганини, Дилшодни ишлари ўхшамаганлигини, уни бироз бали етмаганлиги учун ўқишга кўчиришга бали етмаганлигини айтганида, Раббимқул Икромов ҳам Тошкент шаҳрида эканлигини билдириб учрашишни айтганини, кейин Раббимқул домилани анчадан буён кўрмаганлиги сабабли у киши айтган қафега 2018 йил 28 август куни соат 13:00ларда бориб учрашганини, кейин гаплашиб, шогирдига ёрдам беролмаганини ўқишдан йиқилганига хафа бўлаётган айтганида, Раббимқул Икромов бу ҳолатга ўзи ёрдам бера олиши мумкинлигини айтиб телефон орқали буни тартибини кимлардандир суриштира бошлаганини, кейин Дилшодни паспорт копиясини қолдиришини сўраганини, у Азаматов Дилшодни паспорт копиясини Раббимқулга бериб Қарши шаҳрига қайтиб келганини, 2019 йил 30 август куни Р.Икромов ҳам Қарши шаҳрига келганлигини айтганини, Р.Икромов билан учрашганида у шогирдини иши битганлигини айтганини, шунда қандай қилганини сўраганида, Тошкентлик таниши Тўйчиева Зумратой исмли ДТМда ишлайдиган шогирди қилиб берганини айтганини, кейин Р.Икромов унга ҳужжатлар келса ўқишга чақиришларини айтганини, шундан кейин унга улар ҳужжатларни Харьковдан ўзлари қонуний курьер орқали олиб келишларини, йўл харажатлари 2.000 АҚШ доллари бўлишини айтганини, шундан кейин у устози Р.Икромовнинг гапига ишониб, Дилшоднинг отаси билан гаплашиб, кейин у кишидан пулни олишга келишиб ўз ҳисобидан Р.Икромовга 2019 йил 30 август куни соат 12:00 ларда Қарши шаҳар Она ҳайкали ёнидаги меҳмонхонага 2.000 АҚШ долларини Р.Икромовга бериб юборганини, 2018 йил 22 сентябрь куни соат 13:00ларда унга Р.Икромов телефон қилиб,



шоғирди Дилшоднинг Тошкент стоматология институтига ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ чиққанлиги тўғрисида айтиб, кечгача етиб келишини айтганини, Р.Икромов телефон қилгандан 10-15 дақиқа ўтиб Азаматов Дилшодни Тошкент стоматология институтига ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ келиб тушганини, 2018 йил 22 сентябрь куни тахминан соат 20:30лар орасида Тошкент шаҳрига етиб бориб, хали таксидан тушмай туриб, Р.Икромовга телефон қилганини, Р.Икромов ҳайдовчига телефонни беришини сўраганини, кейин Раббимқул ҳайдовчига манзилни тушунтирганини, у Р.Икромов телефонда манзилни тушунтирганида “Собир Рахимов” деганини эшитганини, у манзилга етиб борганида Р.Икромовни ўзи ўтирганини, кейин Р.Икромов телефон қилиб, уни келганлигини айтиб, судланувчи Тўйчиева Зумратойни чақирганини, тахминан 10-15 дақиқада Зумратой етиб келиб, Дилшодни Тошкент Стоматология институтига ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқни олиб келиб, кўлига тутқазганини, шунда Тўйчиева Зумратой билан гаплашганида у ҳақиқатдан ҳам ДТМда ишлашини, буйруқнинг нусхасини Телеграмм тармоғи орқали 90-905-06-78 телефон рақамига ташлаб юборганини айтганини, ушбу учрашувда Тўйчиева Зумратой “Агар ўқишга бали етмай киролмаган ўқувчиларингиз бўлса, ўқишга апелляция орқали киришга қонуний ёрдам берамиз” деб айтганини, кейин Тўйчиева Зумратой билан ўзаро телефон рақам алмашишганини, шундан кейин олдиндан танийдиган Қамашни туманида яшовчи танишлари Исанова Дилафруз ва Ражабова Гулзодалар боғчада ишлаб юриб, улар олий ўқув юртига киролмаганлиги сабабли ундан маслаҳат сўрашганида, қайта имтихон топшириб ёки апелляция билан ўқишга кириш мумкинлигини эшитгани учун уларга уни тест марказида таниши борлигини у билан маслаҳатлашиб кўришини айтганини, кейин Тўйчиева Зумратойга телефон қилиб, бўлган ҳолатни айтиб, бу ҳолатни апелляция орқали ҳал қилиш мумкин ёки йўқлигини сўраганида, бундай шахслардан неча киши борлигини сўраганини, шунда икки нафар танишлари борлигини айтиб, уларга З.Тўйчиевани телефонини беришини айтганида, Тўйчиева Зумратой “Менинг номеримни уларга беринг, улар менга телефон қилишсин” деб айтганини, кейин Исанова Дилафруз ва Ражабова Гулзодалар билан телефон орқали гаплашиб уларга Тўйчиева Зумратойнинг 93-573-50-57 телефон рақамини бериб, уни тест марказида ишлашини, ундан маслаҳат олишлари мумкинлигини айтганини, шундан кейин Зумратой унга ва уларга уларнинг қўшимча контрактқа қабул қилинганлиги, контракт тўламаган талабалар ўрнига ўқишга киришлари мумкинлиги тўғрисидаги апелляция хатини ташлаб берганини, шундан кейин унга Тўйчиева Зумратой телефон қилиб, уларнинг тезроқ контракт пулларни тўлашлари кераклигини айтганини, у тўлов қандай бўлади деб сўраганида, тўловларни ДТМ учун тўлаш лозимлигини, бу ишлар ДТМ томонидан амалга оширилганлиги сабабли унинг ҳисоб рақамига тўланишини айтганини, кейин ҳисоб рақамини сўраганида у пулларни тайёрлаб туришса ўзлари вилоятларга боришларини,



шу тез орада Қашқадарё вилоятига ҳам боришини айтганини, кейин Исаева Дилафруз ва Ражабова Гулзодалар ишлари битганлигини билиб, бу ҳақда бошқаларга айтишганларидан кейин Тўйчиева Зумратой ва унга кўплаб телефонлар кела бошлаганини, шунда уларга Тўйчиева Зумратойни яқиндан танимаслигини, уларнинг ўзлари гаплашиб олишларини айтганини, ўқишга кирмоқчи бўлиб юрганлар Зумратойга телефон қилишганида у одамларга унга телефон қилиб гаплашишларни айтганини, кейин у Зумратойдан сўраганида у ҳаммасини ҳужжатларни ташлаб юборишни, уларга ўзи ёрдам беришини, фақат улар контрактни тўлаш қобилиятига эга бўлсагина бу ишларда ёрдам беришини айтганини, шунда ўқишга кирмоқчи бўлганларни ҳаммасига ёрдам бера олиши ёки олмаслигини сўраганида у ҳаммасига ёрдам беришини айтганлигини, бу давлатнинг имтиёзи эканлигини айтганини, шундан сўнг уни Телеграммига тахминан 20 га яқин одам ҳужжатларини ташлаганини, у ушбу ҳужжатларни Телеграмм орқали Тўйчиева Зумратойга ташлаб юборганини, шундан кейин Зумратой унга уларнинг ҳам контракт асосида ўқишга кирганлиги ҳақидаги ҳужжатларини ташлаб юборганини, 2019 йил 10 октябрь куни Тўйчиева Зумратой Қарши шаҳрига боришини айтганини ва 11 октябрь куни ўзининг шериклари Гулямова Маъмура ва Шарифова Нодиралар билан бирга келганини, улар Қарши шаҳар “Афсона” меҳмонхонасига жойлашишганини, шундан кейин улар уни ўша меҳмонхонага чақиришганини, уларнинг олдида борганида улар бирга ҚДУга боришини айтишганини бу вақтда улар ҳужжатларни бир қисмини тайёрлаб олиб келиб, олиб келинган барча абитуриентларни ҳужжатларни кўрсатишганини, шундан кейин улардан Шарифова Нодира ректор Шоимқулов Баҳодирнинг хонасига кирганини, бу вақтда Тўйчиева Зумратой уни автомашинасида қолганини, ҳамда Нодирага буйруқларни ва контрактни олиб чиқишини, ҳеч ким қолиб кетмаслигини айтиб ўтганини, Нодира кириб қайтиб келиб ректор Шоимқулов Баҳодирнинг йўқлигини айтиб, ўзини у билан телефон орқали гаплашганини айтганини, Шарипова Нодира Шоимқулов Баҳодирнинг хонасидан чиққандан сўнг, ўз қул телефонида унинг олдида қандайдир рақамга қўнғироқ қилиб, “Ассалому алайкум Шоимқулов Баҳодир ака мени ДТМ бошлиғи Мажид Каримов юбордилар, қачон келасиз? Буйруқларни олиб келгандим” деб айтганини, кейин телефонни ўчириб, унга Шоимқулов Баҳодир Сурхондарё вилоятида эканлар, кейинги ҳафта келишини, ўзлари ҳам кейинги ҳафта келишини айтишганини, шундан кейин улар Шоимқулов Баҳодирнинг хонасидан чиқиб, у ердан қўлларидagi буйруқларни ва шартномаларни олиб чиққанини, улар унга тўловларни амалга оширишлари лозимлигини маълум қилиб 2018 йилнинг 23 октябрь куни қайта келишлари айтишганини, бу орада у улар билан гаплашишиб, тадбиркорлик қилиш учун 30.000 АҚШ доллари борлигини айтгани учун улар бу борада ҳам ёрдам беришларини хусусан Маъмура катта тадбиркор бўлганлиги сабабли тахминан 20-25 ўринли тикув цех ускунларини, тикиш машиналарини арзон нархга келтириб беришини айтганини, 2018 йил 23 октябрь куни улар келиб, ўзлари



пуллар берган абитуриентлардан Д.Эсанова, З.Эргашева, Ш.Халимова, Асқар ака ва Ч.Мейлиевларнинг ўзларидан, қолганлари учун уни таниганлиги улар унга беришини ваъда қилганлиги учун тикув машиналари учун йиғиб қўйилган пуллардан 2018 йил 23 октябрь куни “Афсона” меҳмонхонасига 24.000 АҚШ доллари, ўзи билан олиб юрадиган 1.000 АҚШ доллари пулларни ва шу куни Сатторов Асқар акадан олган 5.000 АҚШ доллари пулларни қўшиб жами 30.000 АҚШ доллари қилиб, ўзининг автомашинаси ичида Тўйчиева Зумратойга берганини, Зумратой пулларни уни автомашинасида санаб олганини, ушбу пулларнинг бир қисмини тўлов контракти етмаган абитуриентлар учун тўлаб турилишини, кейин эса ушбу тўланган квитанциялар билан улардан пуллар олиниб унга тикув цех ускуналари олиб келиб ўрнатиб берилиши кераклигини, шундан кейин улар нимагадир пулларни ўзлари тўлов қилишларини айтгани уни шубҳалантириб, Хусния ва Дилдоранинг буйруқларини яхшилаб кузатса, улар сканерга ўхшаганлиги сабабли 24 октябрь куни ушбу ҳужжатлар билан Тошкентга шахрига бориб, ДТМга кириб, қўлидаги буйруқларни текширганидан кейин улар бу буйруқларни қалбаки эканлигини ДТМ ходимлари айтишганини, кейин Зумратой ва Нодирага қўнғироқ қилса ҳам улар жавоб беришмаганини, кейин уларни ҳамма ҳужжатлари сохта бўлиши мумкинлигини инобатга олиб Қаршига қайтиб келиб, барча ҳужжатларни йиғиб, 30 куни келишини кутиб турганини, улар келмагандан кейин у Зумратойнинг изидан Тошкент шахрига етиб бориб, смс ёзиб уларнинг устидан тегишли органларга мурожаат қилишини айтганини, кейин Маъмура ва Зумратойлар билан гаплашганида улар бир учрашиб олишини айтиб ўтганини, Маъмура у 2018 йил 30 октябрь куни Тошкент шаҳар Чилонзор туманида “Карзинка” супермаркети ёнида учрашиб гаплашиб олганини, шунда Маъмура тан олиб уни алдаб кетишганини, пулларни Зумратойдан ололмастлигини, у илгари ҳам судланганлигини айтганини, кейин унга маслаҳат бериб, ўзларининг Таня деган таниши билан уларнинг 30.000 АҚШ доллари ҳисоб китоблари борлигини, пулларни бир қисми унда эканлигини, Зумратойни илгари ҳам шу каби ишлар билан қамалганини шунинг учун пулларни олишнинг бошқа йўли йўқлигини, агар у Таняга ер олиб бераман деса, у пулларни бериб туришини айтганини, улардан пулларни олиш учун у нима деса ҳам ҳа деб туриши кераклигини айтганини, кейин 2018 йил 31 октябрь куни Эркин билан бирга борганини, Эркин уни машинасида қолганини, у Маъмуранинг гапи билан Танянинг машинасига ўтирганини, Маъмура унга 30.000 АҚШ доллар берганини, бу ҳолат бўйича унга нисбатан тадбир бўлганини, шундан кейин бу ҳолат бўйича унга жиноят иши қўзғатилганини, кейин қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилганини, дастлабки суд уни 5 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилганини, кейин унга оид жиноят иши апелляция тартибда кўрилиб, 1 йил синов берилганини, Г.Халимова судланувчилардан пулларини ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.



Жабрланувчи Халимова Шарапат судда, Абдиҳакимова Файёза уни қизи бўлишини, уни опаси Хидирова Райхонга келин қилиб берганини, қизи кўп йиллар буён боғчада ишлаб келаётганини, боғчага ишлаш учун олий маълумотли бўлиш талаб қилинганлиги боис у ўқишга топшириб йиқилиб бундан хафа бўлганини кўриб шу вақтларда кўшимча контракт қилиш ҳақида апелляция ҳақидаги гапларни эшитганини, кейин опаси Райхонага кўшимча контракт қилиш учун нима қилиш кераклигини суриштиришини айтганида, опаси кўшниси бўлган Халимова Гўзалой билан таништирганини, шунда Халимова Гузалой апелляция ва кўшимча контракт учун ёрдам беришини айтганидан сўнг Халимова Гузалойга қизи Абдиҳакимова Файёзанинг хужжатларни берганини, Халимова Гузалой қизини хужжатларини Тошкентдан ДТМнинг ходимларига юборганини, ДТМ ходимлари уни қизини буйруқ чиқариб буйруқнинг нусхасини телеграмм тармоғига ташлаб юборганини, шундан сўнг қизини ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ кўриб Халимова Гўзалой билан телефон орқали гаплашганида, Халимова Гўзалой қизининг хужжатлари ҳал бўлганлигини лекин тез орада 18.200.000 сўм миқдорда контракт тўловини ДТМга амалга ошириш кераклигини айтганини, пулларни Тошкентдаги ДТМнинг ходими деб Тўйчиева Зумратой исмли аёлни телефон рақами 99-819-57-50 бериб у билан гаплашиб олишини пулларни Зумратойга юбориши кераклигини айтганини, кейин Тўйчиева Зумратой билан телефон орқали гаплашганида у ўзини ДТМнинг ходими деб таништириб, тўловни бериб юбориши кераклигини айтганини, у унга ҳозирда кўп пули йўқлигини тахминан 12.000.000 сўм атрофида пули борлигини айтганида у борини бериб юборишини қолганини, Халимова Гўзалой билан гаплашиб олишини айтганини, шундан сўнг такси орқали Тўйчиева Зумратойга 1.500 АҚШ доллари жўнатиб юборганини, орадан 20 кунлар ўтиб Халимова Гўзалойни камалганлигини эшитиб Тўйчиева Зумратой телефон қилиб қизини ўқиши ҳал бўлмаганини учун пулларини қайтаришини сўраганини, Тўйчиева Зумратой пулларни қайтаришини айтиб алдаб юрганини, анча вақтдан сўнг Халимова Гўзалой камоқдан чиққанини эшитганини, Гўзалойдан пулларини сўраганида, Тўйчиева Зумратой уни ҳам алдаб кетганини айтганини, судланувчилар Гулямова Маъмура ва Шарифова Нодирани танимаслигини, фақат бир марта Тўйчиева Зумратой ва Нодира деган аёлга пулларни берганини айтганини эшитганини, унга етказилган зарар 1.500 АҚШ долларини судланувчилардан ундириб беришни ва уларга нисбатан қонуний чора кўришни билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Сатторов Асқар судда, Халимова Гўзалойни анчадан буён танишини, Халимова Гўзалой турмуш ўртоғини кўшниси ва маҳалладоши бўлишини, Халимова Гўзалой билан оилавий яқинлигини, Халимова Гўзалой ундан ўзига пул зарур бўлиб қолган вақтларда бир-икки марта пул олиб, кейин қайтариб берганини, баъзан унга пул керак бўлган вақтда Халимова Гўзалой ҳам унга пул бериб турган вақти бўлганини, 2018 йил октябрь ойининг бошларида Халимова Гўзалой 2.000 АҚШ



доллари пулни қарзга сўраб бир ҳафта ичида пулларини қайтаришини айтгани учун унга рози бўлиб 2000 АҚШ доллари олиб бораётган вақтида Халимова Гўзалой унга Тошкент шаҳртга кетадиган таниш таксилари бор йўқлигини сўраганини, пулларни Тошкент шаҳрига жўнатиб юбориши кераклигини айтганида Халимова Гўзалой ундан олган пулларини Тошкент шаҳрига жўнатиб юбориш учун ўзининг машинасида Самарқанд автовокзалига боришганини, шунда стаянкада Тошкент шаҳрига кетаётган жиянини кўриб қолиб унга Халимова Гўзалой Зумратой деган аёлни номерини бериб гаплаштирмақчи бўлганида уни телефонига боғлана олишмаганини, кейин ўзини телефон номеридан Зумратойни телефонига телефон қилганида боғланганини, кейин Зумратойни такси ҳайдовчиси билан гаплаштириб таксидан 2000 АҚШ долларини Халимова Гўзалой айтган манзилган Тошкент вилояти Туябўғиз деган жойига Зумратой деган аёлга жўнатиб юборганини, 2018 йил 23 октябрь куни далага ўғит чиқаришга кетаётганида Халимова Гўзалой унга кўнғироқ қилиб, 5.000 АҚШ доллари пул кераклигини, ноябрь ойининг бошларида олдинги олган пуллари билан бирга кўшиб қайтариб беришини айтганини, Халимова Гўзалой ундан қачон пул олган бўлса ўз вақтида қайтариб бергани учун Халимова Гўзалойга қарзга 5000 АҚШ доллари беришга рози бўлганини, шунда Халимова Гўзалой унга пулни “Афсона” меҳмонхонаси олдига олиб келиб беришни илтимос қилганини, кейин жияни билан “Афсона” меҳмонхонаси олдига борганлигини, шунда меҳмонхона олдида Халимова Гўзалойни “Спарк” автомашинасини кўриб йўлни нарига томонига тўхтаганини, кейин Халимова Гўзалой уни кўриб йўлни у турган томонига ўтганини, шунда ўзининг автомашинаси ичида Халимова Гўзалойга 5.000 АҚШ доллари берганини, шунда Халимова Гўзалой унга “Тошкентлик нозик меҳмонлар келган чой ичирмайсизми” деб айтганида, Халимова Гўзалойга вақти йўқлигини, даласига ўғит чиқариши кераклигини айтганини, шунда Халимова Гўзалой ундан пулни олиб йўлдан ўтиб машинаси томонга кетганини, шу вақти жияни унга “амаки агар Тошкентдан меҳмонлар бўлса ўзим чой ичираман еса икки сих шашлик ер” деб айтганида, жиянига “пулим бор вақтим йўқлиги учун айтгандим майли машинани буриб келайлик” деб айтганини, кейин автомашинани буриб келиб Халимова Гўзалойнинг автомашинаси орқасига тўхтаб Халимова Гўзалойни машинасини олдига борганида автомашинанинг олди ўриндиғида бир аёл киши кўлида доллари санаб турганини кўрганини, лекин ушбу аёл ким эканини билмаслигини, кейин орқасига қайтиб машинага ўтириб кетганини, кейин анча вақтдан сўнг Халимова Гўзалойга телефон қилганида бир эркак киши кўтариб ўзини терговчи деб таништириб, Халимова Гўзалой Тошкент шаҳрида қамалганини айтганидан кейин Халимова Гўзалойни ота-онасидан пулларини сўраганини, улар Халимова Гўзалой қамоқдан чиқса ўзи пулларини қайтаришини айтишганини, шундан сўнг дастлабки 2.000 АҚШ доллари пулларни ўзи бирга жўнатиб юборганлиги учун пулларни олиши керак бўлган Зумратой



исмли аёлнинг 99-819-50-57 телефон рақами телефонига қолганлиги учун уни рақамини топиб, Зумратойга телефон қилиб, Халимова Гўзалоидан олган пулларни у жўнатиб юборганини, Халимова Гўзалоидан камалиб кетганини, пулларини қайтариб беришини сўраганида, Зумратой ҳақиқатдан ҳам Халимова Гўзалоидан орқали берилган 2000 АҚШ долларини олганини, пулларни қайтариб беришини айтганини, шундан сўнг Зумратойдан пулларини сўраб турганини, кейин Зумратой телефонини кўтармай қўйганини, бироз вақт ўтиб Халимова Гўзалоидан қамокдан чиққанидан сўнг пулларни сўраганида, пулларини “Афсона” меҳмонхонаси олдида Тошкент шаҳридан келган танишларига берганини, улар уни алдаб кетганини, шунинг учун улардан пулларни олиши билан унга қайтариб беришини айтганини, судланувчилар Гулямова Маъмура ва Шарифова Нодирани танимаслигини, у уларни кўрмаганини, Халимова Гўзалоидан 2018 йил октябрь ойининг бошларида 2.000 АҚШ доллари ва 2018 йил 23 октябрь ойида 5.000 АҚШ доллари пулларни қарз сифатида берганини, ҳозирда судланувчи Тўйчиева Зумратойдан 2.000 АҚШ долларини, Халимова Гузалоидан 5.000 АҚШ доллар пулларини ундириб беришни ва судланувчи Тўйчиева Зумратойга қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Эргашева Зебинисо судда, ўрта-махсус маълумоти билан бир неча йиллардан буён мактабда ишлаб келаётганини, иш жойига ишлаш учун олий маълумотли талаб қилинганидан кейин Қарши Давлат Университетига ўқишга ҳужжатларини топшириб, у ерга ўқишга киролмаганидан кейин ҳужжатларини олиш учун 2018 йил октябрь ойида ҳужжатларини олиш учун ҚДУга келганида илгари малака ошириш институтида бирга ўқиган таниши Халимова Гўзалоидан кўриб қолганини, у билан суҳбат вақтида ўқишга киролмаганини айтганида, Халимова Гўзалоидан унга ёрдам бера олишини, ҳозирда қўшимча ўқишга кириш мумкинлигини айтганини, тахминан йигирмадан ортиқ унга ўхшаганларни ишларини ҳал қилиб бераётганини, агар ҳужжатларни берса ёрдам беришини, фақат биринчи йили контракт пулини 2 баравар тўлаш кераклигини айтганини, шунда у рози бўлиб Халимова Гўзалоидан ҳужжатларини бериб унинг телефон рақамини олиб ўзининг рақамини Гўзалоидан берганини, шундан сўнг унга Халимова Гўзалоидан телефон қилиб ҳужжатлари тайёр бўлганини, контракт пулларини тахлашини, Тошкент шаҳридан Тест марказида ишлайдиганлар келаётганини айтганини, шундан сўнг банкдан кредит олиб пулларни АҚШ долларига алмаштириб қўйганини 2018 йил октябрь ойининг бошларида, Гузалоидан унга Қарши давлат университетига келишини айтганини, шунда ўзи билан 2000 АҚШ доллари билан Қарши давлат университетига борганини, у ерга Халимова Гўзалоидан билан Тошкент шаҳридан келган Нодира ва Зумратой деган аёллар уларга ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжатларни тарқатишганини, Нодира ўқишга қабул қилинганларга шартномани нусхасини бериб “шартномани асли бизда туради” деб айтганини, шундан сўнг Халимова Гўзалоидан ўзи билан



олиб келган 2000 АҚШ долларини берганини, Гўзалоё пулларни олиб автомашинага ўтирган Зумратой исмли аёлга берганини, кейин у шошиб тургани учун кетиб қолганини, 2018 йил 15 октябрь кунидан кейин ўқишга чиқишини, махсус сирткида ўқишини айтгани учун ўқишга ҚДУга борганида ҚДУдаги ўқитувчилари буйруқни кўриб, бу ҳужжатлар сохта эканлигини айтганидан кейин у Халимова Гўзалоёга телефон қилганини, аммо уни тополмаганини, кейин Зумратойга телефон қилиб “пулларимни қайтариб беринг буйруқларинг сохта экан” деб айтганида, Зумратой унга “Гузал қамалди, сиз берган 2000 АҚШ долларидан менга 500 АҚШ долларини берган, қолгани Гўзалга” деб айтганини, кейин Халимова Гўзалоёга нисбатан Тошкент шаҳрида жиноят иши борлигини билганини, судланувчилардан унга 2.000 АҚШ доллари пулларини ундириб беришни ва судланувчиларга қонуний чора кўришни билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Тайлақова Мутаъбар судда, 2005 йил Қарши педагогика коллежини сиртки йўналишига ўқиб, ўрта-махсус маълумот олиб, 2001 йилдан буён Чирокчи туманидаги 18-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётганини, ҳозирда мактабда тшлаш учун олий маълумот талаб қилина бошланганлиги ва махсус сиртки йўналишлар очилганлиги сабабли ўқишга ҳужжатларини топширишганини, ўқишга киришиш учун қайнисингли Рўзиева Малоҳатнинг устози бўлган Халимова Гўзалоёни уйда Рўзиева Малоҳат ва уни ўқишга киришга тайёрланиб имтихон топширишганини, кейин имтихондан олдин бални билиб қўйиши учун ДТМ қоғозини ва паспорт нусхасини Халимова Гўзалоёга қолдириб кетишганини, шундан сўнг Халимова Гузалоё уларга телефон қилиб у ва қайнисинглиси Малоҳат имтихондан йиқилганини, лекин уларнинг номидан апелляция ёзганини, агар бирор бир ўзгариш бўлса хабар беришини айтганини, 2018 йил октябрь ойининг ўрталарида унга 97-97 телефон рақамидан Нодира исмли аёл телефон қилиб, ўзини ДТМ ходими деб таништириб, уни ўқишга кирганлиги билан табриклаганини, кейин уларнинг контракт тўлови бали пастроқ бўлганлиги учун икки баробар қилиб тўланишини, контракт пулини 2018 йил 23 октябрь куни ҚДУга олиб келишини, улар эса ўзлари билан уларнинг буйруқларни ва контракт шартномаларни олиб келишларини айтганини, шундан сўнг бу ҳақида Халимова Гўзалоёга телефон қилиб айтганини, шундан сўнг қайнисингли Рўзиева Малоҳат билан ҳар бири 2.000 АҚШ долларидан жами 4000 АҚШ доллари пулларни олиб 23 октябрь куни Қарши давлат университетини орқа дарвозасини олдига келишганини, шунда Халимова Гўзалоёнинг автомашинаси олдига боришганида, Гўзалнинг автомашинасида кейинчалик исмини билган Тўйчиева Зумратой ўтирганини кўраганини, кейин ҚДУнинг ректорати биносидан Халимова Гўзалоё унга телефон орқали қўнғироқ қилиб, ўзининг ДТМнинг ходими деб таништирган Шарифова Нодира билан бирга чиқиб келганини, Шарифова Нодира қўлида кўплаб ҳужжатларни олиб чиқиб барча ўқишга кирганларга Шарифова Нодира буйруқ ва шартнома қоғозини нусхасини тарқатганини, шунда



Шарифова Нодира ва Тўйчиева Зумратойни танимаганлиги учун олиб келган қайинсингли ва ўзи учун пулларини Халимова Гўзалой 4.000 АҚШ доллари пулларни берганини, Халимова Гўзалой эса ўзининг қўлидаги қоғозлар билан 4000 АҚШ долларини автомашинасига ўтирган Тўйчиева Зумратойга берганини, шунда кетаман деб турганида, у кишига қараб қўлидаги буйруқларни ўйнатиб тургани учун Тўйчиева Зумратой унга бақриб қўлидаги қоғозни реклама қилмасдан сумкасига солиб қўйишини айтганини, шунда Шарифова Нодира уларга 2018 йил 30 октябрь куни ўқишга чиқишини айтгани учун 2018 йил 28 октябрда Халимова Гўзалой телефон қилганида телефони ўчирилганини билганини, кейин Шарифова Нодиранинг телефонига қўнғироқ қилиб ўқиши ҳақида сўраганида, Шарифова Нодира унга Халимова Гўзалой қамалганини, ўқиши масаласида Тўйчиева Зумратой билан гаплашишини айтиб, 57-50 телефон рақамини берганини, кейин Тўйчиева Зумратойга телефон қилиб, унинг пулларини автомашинанинг ичида Тўйчиева Зумратой олганлиги кўрганида Халимова Гўзалой у кишига берганлигини айтганида Тўйчиева Зумратой пулларни олганини тан олганини, аммо пулларни уларнинг контракт тўлови сифатида эмас, балки қандайдир тикувчилик ишлари амалга ошириш учун олганлигини айтганини, унга берган пулларни Халимова Гўзалойдан сўрашини у эса қамалиб кетганлигини айтганини, кейин у Халимова Гўзалойни уйига бориб, онасидан пулларини сўраганида, у Халимова Гўзалойни қамалганини уни ўзи чиқиб келса, кейин барча муаммо ҳал бўлишини айтганини, Халимова Гўзалой қамокдан чиқиб келганидан кейин пулларини сўраб борганида Халимова Гўзалой пулларни Тошкентдан келган Маъмура, Зумратой ва Нодира исмли аёллар олиб кетганини, ўзлари ҳам унинг ўрнидан камини тўлаб юборганликларни, аммо шу пулларни ололмаганликлари учун ариза берганликларни айтганини, судланувчилардан унга 2.000 АҚШ доллари пулларини ундириб беришни ва судланувчиларга қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи **Рузиева Малохат** судда, 2006 йилда Қарши педагогика коллежини томомлаб, ўрта-махсус маълумот эга бўлиб 2007 йилдан буён Чироқчи туманидаги 18-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётганини, иш жойига олий маълумот талаб қилина бошланганлиги ва махсус сиртки йўналишлар очилганлиги сабабли ўқишга ҳужжатларини топшириб ўқишга киришиш учун янгаси Тайлоқова Мўтабар билан унинг устози бўлган Халимова Гўзалойнинг уйига яъна бир Косонлик Мадина исмли қиз билан бирга тайёрлана бошлашганини, Халимова Гўзалойнинг уйида бир ойча тайёрланиб кейин имтихонга топшириб, барчаларига озроқ баллар етмасдан имтихондан йиқилганини, шунда имтихондан олдин балани билиб қўйиши учун ДТМ қоғозини ва паспорт нусхасини Халимова Гўзалойга қолдириб кетганини, у ўқишга кираолмаганини эшитишганидан кейин Халимова Гўзалой уларнинг номидан апелляция ёзишини агар бирор-бир ўзгариш бўлса, уларга хабар беришини айтганини, шундан сўнг 2018 йил октябрь ойининг ўрталарида янгаси Тайлоқова Мўтабар



97-97 телефон рақамидан Нодира исмли аёл телефон қилиб, ўзини ДТМ ходими деб таништириб, уни ва янгаси Тайлоқова Мўтабар ўқишга кирганлиги билан табриклар контракт тўлови бали пастроқ бўлганлиги учун икки баробар қилиб тўланишини, шунинг учун дастлабки йили 18.400.000 сўм тўлашини кейинги йили эса қолганлар қатори тўлаб ўқишини, шунинг учун ушбу пулларни 2018 йил 23 октябрь куни ҚДУга олиб келишини улар эса ўзлари билан буйруқларни ва контракт шартномаларни олиб келишларини айтишганини, шундан кейин қайнисингли Рўзиева Малоҳат билан бирга ҳар бири 2.000 АҚШ долларидан пулларни олиб келиб, 23 октябрь куни ҳозирда китоб бўлган жойда Халимова Гўзалойнинг автомашинаси бор жойга у кишини кутиб туришганини, лекин Халимова Гўзалойнинг автомашинасида кейинчалик исмини билишича Тўйчиева Зумратой ўтирганини кўрганини, шунда ҚДУнинг ректоратининг биносидан Халимова Гўзалой ва ўзининг ДТМнинг ходими деб таништирган Шарифова Нодира чиқиб келиб уларни буйруқ ва контракт қоғозини берганини, шунда Халимова Гўзалойга янгаси Тайлоқова Мўтабар билан ҳар бири учун 2.000 АҚШ доллари пулларни беришганини, Халимова Гўзалой эса пуларни машинани ичида ўтирган Тўйчиева Зумардга бераганини, уларга 2018 йил 30 октябрь куни ўқишга чиқишини айтганини, шундан кейин ўқишга чиқмоқчи ўлиб Халимова Гўзалойга телефон қилганида унинг қамалганини эшитишганини, кейин Шарифова Нодиранинг телефонида чиқиб ўқиши ҳақида сўраганида, Шарифова Нодира унга Халимова Гўзалойни қамалигини ўқиши масаласида Тўйчиева Зумратой билан гаплашишини айтиб, 57-50 телефон рақамини берганини, кейин Тўйчиева Зумратойга телефон қилиб, унинг пулларини автомашинанинг ичида Тўйчиева Зумратой олганлиги кўрганида Халимова Гўзалой у кишига берганлигини айтганида Тўйчиева Зумратой пулларни олганини тан олганини, аммо пулларни уларнинг контракт тўлови сифатида эмас, балки қандайдир тикувчилик ишлари амалга ошириш учун олганлигини айтганини, унга берган пулларни Халимова Гўзалойдан сўрашини у эса қамалиб кетганлигини айтганини, кейин у Халимова Гўзалойни уйига бориб, онасидан пулларини сўраганида, у Халимова Гўзалойни қамалганини уни ўзи чиқиб келса, кейин барча муаммо ҳал бўлишини айтганини, Халимова Гўзалой қамоқдан чиқиб келганидан кейин пулларини сўраб борганида Халимова Гўзалой пулларни Тошкентдан келган Маъмура, Зумратой ва Нодира исмли аёллар олиб кетганини, ўзлари ҳам унинг ўрнидан камини тўлаб юборганликларни, аммо шу пулларни ололмаганликларни шунинг учун ариза берганликларни айтганини, судланувчилардан унга 2.000 АҚШ доллари пулларини ундириб беришни ва судланувчиларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Хазраткулов Абдихофиз судда, ўғли Сатторов Мақсуд 2011 йилда Қарши шаҳридаги 26-сонли умумий ўрта таълим мактабини тугатиб, Қарши тиббиёт коллежига ўқишга кириб, 2013 йилда коллежни тамомлаб, бир неча марта Тошкент шаҳридаги тиббиёт олийгоҳларига



хужжат топшириб, ўқишга киролмаганидан кейин 2016 йил Украинанинг Харьков шаҳридаги Медицина Университетига шартнома асосида ўқишга кирганини, сўнгра ўғлини ўқишини Тошкент шаҳридаги стоматология институтига кўчирмоқчи бўлиб ўғлини хужжатларини, яъни туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани, К№3346374-серия рақамли диплом ва иловаси, Харьков миллий медицина университетининг 1108-сонли студентлик гувоҳномаси, Харьков миллий медицина университетининг 1108-сонли рейтинг дафтарчаси, Харьков миллий медицина университетининг 3165-сонли гувоҳномаси, Тулов-контракт (уч томонлама контракт) асосида мутахассис тайёрлашга контракт нусхаларини олиб хужжатларни таёрлаб юрганида ўғлини коллеждаги курсдоши Азаматов Дилшод “мен ўзимни ўқишини ўтказдим, ўқишимни ўтказишда Гузал исмли аёл ёрдам берди” деб айтганидан кейин у ҳам уни гапларига ишониб, ўғлини ўқишини ўтказишга кизиқиб, ўғлини паспорт нусхасини Халимова Гўзалоининг уяли телефонинг интернет телеграмига жўнатганини, орадан 2-3 кун ўтгандан кейин уни қул телефонига 91-454-31-97 рақамига, Халимова Гўзалоий кўнғироқ қилиб, ўзини таништириб, учрашиб олиши кераклигини маълум қилиб, у билан учрашиш олдида 2000 АҚШ долларини беришини сўраганини, 2018 йил октябрь ойининг тахминан 10-11 кунлари соат 16-00 лар атрофида Мажбурий ижро бюроси Қарши шаҳар бўлими ёнидаги йўлакчада кутиб турганини айтганини, у Халимова Гўзалоий турган жойга борганида, Халимова Гўзалоий ўзининг “Спарк” русумли, оқ рангли рақами 588 бўлган автомашинаси олдида кутиб турганини кўрганини, Халимова Гўзалоийга олдин сўраган 2000 АҚШ долларини берганини, шунда Халимова Гўзалоий “эртаси куни буйруқ ққлингизда бўлади” деб айтганини, шундан сўнг эртаси куни, ўғли ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги сохта буйруқни ўғлини телеграмига ташлаб берганини, кейинчалик билса унга сохта хужжатлар кўрсатиб ундан пулларни олиш учун уни алдаганини билганини, 2000 АҚШ долларини ундиришни билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Қурбонов Ойбек судда, Ҳазратқулов Абдихофиз ва Умаров Асрор билан болалар тиш касалликлари шифохонасида бирга ишлаганидан танишини, Ҳазратқулов Абдухофизни ўғли ҳам унинг ўғли каби Украинага ўқишга кирганини, у ерда ўқиш фақат контракт бўлганини, Украинада ўқишга яшаш ҳаражатлари оғирлик қилганлиги сабабли ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчирмоқчи бўлиб юрганини, бу орада А.Ҳазратқулов ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиртирганлиги айтганини, шунда у ҳам кизиқиб Ҳазратқулов Абдихофиздан ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчирганини қандай амалга оширганини, тартиби қандай бўлишини сўраганида, у унга Халимова Гўзалоий деган аёл ёрдам берганини, шундан сўнг Ҳазратқулов Абдухофиз бу ҳақда ўзи билан ишловчи Умаров Асрор ҳам айтганини у ҳам ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчирмоқчилигини айтганини, 2018 йил 15 октябрь Ҳазратқулов Абдихофиз у ва Умаров Асрор ёнида Халимова Гўзалоийнинг телефонига кўнғироқ қилиб, уларга ҳам ёрдам беришини, фарзандларини ўқишини Ўзбекистонга



кўчириш кераклигини айтганини, шундан сўнг ўзи Халимова Гўзалога телефон қилганини, “Абдухофиз аканинг ишларини тўғрилаб берганлигини бизга ҳам ёрдам беринг” деб айтганида, Халимова Гўзало унга “ўқишдан ўқишга кўчириш учун зарур бўлган дастлабки ҳужжатлар, ўқувчи талабанинг паспорт нусхаси, қаерда ўқиётганлиги ҳақидаги маълумотнома ва курьерлик ҳаражатлари учун дастлабки тўловга 2.000 АҚШ доллари олиб келишингиз керак” деб айтганини, 2018 йил 16 октябрь куни Халимова Гўзало билан телефонлашиб Қарши шаҳар Педагогика коллежи ҳудудида учрашиб ҳужжатларни кўрсатганида, Халимова Гўзало телефонидан кимгадир смс хабар юбориб, ундан хабар келганидан кейин ҳужжатларни ва пулларни Тошкентга юбориш кераклиги тўғрисида айтганини, кейин биргаликда унинг автомашинасида Самарқанд автовокзалига бориб у ерда қора рангли “Ласетти” русумли давлат рақами 70 А 925NA бўлган автомашинага Халимова Гўзало гаплашиб, почта борлигини, ушбу пулларни Тошкент шаҳрига етказишни айтиб почта олувчини телефон рақами ва манзилни берганини, шундан сўнг кечги вақтда унга Халимова Гўзало телефон қилиб, пуллари ва ҳужжатлари етиб борганлигини, иши тез орада ҳал бўлишини айтганини, бу орада қизи Юлдошева Лайло ҳам ўқишга топшириб йиқилганлиги, шу вақтда қўшимча контрактлар бўлаётганлиги сабабли, Халимова Гўзало бу ҳолатларни билганини учун ундан маслаҳат сифатида қизининг ўқишдан йиқилганини, уни қўшимча контракт қилиб бўлиш бўлмаслигини сўраганини, шунда Халимова Гўзало қизининг ҳужжатларни унга телеграмм тармоғи орқали юборишини уни кўриб кейин бу ҳолат ҳақида айтишини билдириб бироз вақт ўтиб Халимова Гўзало телефон қилиб қизининг баллари паст эканлигини, уни аввал ДТМга апелляция ёзиши кераклигини, кейин шу орқали қўшимча контракт қилиш мумкинлигини, қизининг номидан аризани юборганлиги айтганини, шундан сўнг бироз вақт ўтиб қизининг аризасини жавоби чиққанлигини, ўни ўқишга кирганлигини, лекин ишлар ДТМ орқали ҳал бўлганлиги сабабли уни тўловларни ДТМга юбориш лозимлигини, тўлов контрактлари тўланганидан кейин уни ўқишга чиқишини айтганини, Халимова Гўзало ДТМдан келган буйруқ деб уни телеграмига қизининг ўқишга қабул қилинганлиги қоғозини ташлаб бериб, агар тўловлари тўланса кейин ўқишга чиқаверишини, ҳужжатларни ўқишга олиб бориб топширишини айтганини, шунда у Халимова Гўзало ишониб, 1.000 АҚШ доллар пуллар берганини, агар қўшимча тўловлари бўлса маълум қилишини айтиб, бу пулларни ДТМга контракт тўлови сифатида тўлашини, ҳозирча шуни тўлаш лозимлигини кейинчалик қўшимча бўлса буни ҳам тўланган қвитанциясига қараб тўлаб беришини айтганини, 1-2 кун ўтиб Гузалоини телефонлари ишламай қолганини, кейинроқ у телеграмдаги буйруқни ҚДУга олиб борганида улар буни сохта эканлигини, бу каби буйруқ бўлмаслигини айтишганини, кейинчалик билса Халимова Гўзалоини Тошкент шаҳрида қўлга олинганлигини, ҳаммани алдагани учун уни қамоққа олишганини айтиб эшитганини, уни 2018 йилнинг 1 ноябрь куни Қарши шаҳар прокуратура ва



департаментига чақириб тушунтириш олишганини, кейинроқ эса Тошкент шаҳрига Чилонзор тумани прокуратурасига чақириб сўроқ қилишганини, кейин эса ҳаммаси жим бўлиб кетганини, кейин ўғлининг ҳужжатларини аслини пуллар билан такси орқали Тошкентга юборгани учун шу такси хайдовчисини қидира бошлаганини, кейин уни топиб пулларни кимга берганлигини суриштирганида, пулларни Эъзога исмли аёл киши яъни унинг телефон рақами 90-959-12-37 рақамли шахсга олиб бориб берганини билганини, кейин ўша рақамга телефон қилиб ундан ҳужжатларини ва пуллари сўраганини, у ҳужжатлар ўзида эканлигини, пулларни эса Г.Халимова қамокдан чиққанидан кейин ҳал бўлишини айтганини, кейин ундан ҳужжатларни қайтариб олганини, кейин бу ҳолатларни тергов ҳал қилишини кутиб юрганини, аммо улар уни қисмини Қашқадарёга юборганини эшитганини, Халимова Гўзалой қамокдан чиқиб, унга пулларини олишда ёрдам беришини, пулларни у билишича Висола исмли аёлда эканлигини айтганини, у ва Асрор бирга Тошкент шаҳрига борганини, Халимова Гўзал Висоланинг уйини топиб бирга боришганини, Халимова Гўзалой унинг уйига кириб кетиб, ўзидан Висоланинг 4.000 АҚШ доллари қарзи борлиги тўғрисида тилхат олиб чиқиб тез орада пулларни тўлаб беришини айтганини, Халимова Гўзалойга жами 3000 АҚШ доллари берганини, шундан 1000 АҚШ доллари қизини ўқиши учун 2000 АҚШ доллари ўғлини ўқиши учун берганини, ҳозирда 3000 АҚШ долларидан 1700 АҚШ доллари қайтарилганини, 1300 АҚШ доллар пулларини ундиришни билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Умаров Асрор судда, Ҳазратқулов Абдуҳофиз билан бирга ишлашини, А.Ҳазратқулов Украинада ўқиётган ўғлини ўқишига кўп харажат бўлаётганлиги сабабли Ўзбекистонга кўчирганини айтганини, шунда у ҳам қизиқиб А.Ҳазратовдан буни қандай тартиби қандай бўлишини сўраганида у буни Халимова Гўзалой деган аёл орқали амалга оширганлигини, ҳозирда давлатимиз томонидан кўплаб имкониятлар борлигини, кўшимча контракт асосида ўқишга кўчиришни, буни таълим вазирлиги орқали амалга оширилишини, шунингдек, уларга ҳужжатларни олиб келиш учун курьерлик харажатларини ҳам бериш лозимлигини айтганини, бу ҳақда Қурбонов Ойбек исмли танишига ҳам айтганини, шундан сўнг у ва Қурбонов Ойбек 2018 йил 15 октябрь куни Қарши шаҳрига А.Ҳазратқуловнинг олдига келганини, А.Ҳазратқулов Халимова Гўзалойга телефон қилиб, уларга ҳам ёрдам беришини, шундан сўнг А.Ҳазратқуловдан Халимова Гўзалойнинг телефонини олиб, унга қўнғироқ қилиб, Халимова Гўзалойга А.Ҳазратқулов ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчириб берганини уларга ҳам ёрдам беришини айтишганини, Халимова Гўзалой уларга ўқишдан ўқишга кўчириш учун зарур бўлган дастлабки ҳужжатлар, ўқувчи талалабанинг паспорт нусхаси, қаерда ўқиётганлиги ҳақидаги маълумотнома ва курьерлик харажатлари учун дастлабки тўловга 2.000 АҚШ доллари олиб келишни айтганини, 2018 йил 16 октябрь куни Халимова Гўзалой билан телефонлашиб Қарши шаҳар Педагогика коллежи



худудида учрашганини, шунда Халимова Гўзалоё ўзининг телефонида кимгадир смс хабар юборганини, ундан хабар келганидан кейин хужжатларни ва пулларни Тошкентга юбориш кераклиги айтганини, шунда бирга Қурбонов Ойбекни автомашинасида Самарқанд автовакзалига бориб, қора рангли “Ласетти” русумли давлат рақами 70 А 925 НА бўлган автомашинага Гўзалоё гаплашиб, почта борлигини, ушбу пулларни Тошкентга чўнатиб юборганлигини, шундан сўнг Халимова Гўзалоё билан телефон орқали гаплашиб турганини, кейинчалик унинг телефони рақами ишламай қолганини, кейин билса Гузалоё Тошкент шаҳрида ҳибсга олинганлигини, ҳаммани алдагани учун уни қамокқа олишганлигини эшитганини, уни 2018 йил 1 ноябрь куни Қарши шаҳар департаментига чақириб тушунтириш хати олишганини, кейинроқ Тошкент шаҳрига Чилонзор тумани прокуратурасига чақириб сўроқ қилишганини, Халимова Гўзалоё орқали Тошкентга жўнатиб юборган 2.000 АҚШ долларини тергов даврида тўлиқ қайтариб олишганини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатуви берди.

Жабрланувчи Рахимов Урал судда, Халимова Гўзални устози бўлганини, Г.Халимова ўқитувчи бўлиб ишлаганлиги учун таълим тизимини ва апелляция тартибини тушунишини айтгани учун қизи Рахимова Зебо ўқишдан йиқилганлигига уни қўшимча контракт асосида ўқишга киритиш тартибини билиш учун гаплашганини, ҳозирда мактабда маълумоти ўрта-махсус бўлган ходимлар ишламасин дейилганлиги сабабли кизидан мактабда ишлашни давом эттириш учун олий маълумот бўлиши кераклигини, шундан сўнг қизи З.Рахимова олий маълумот олиш мақсадида Қарши Давлат Университетининг махсус сиртки факултетига ўқишга имтихон топшириб имтихондан ўтаолмаганини, шу вақтларда қўшимча контракт қилиш имкони бўлаётгани, интернет орқали кимлардир апелляция ёзиб қўшимча равишда ўқишга қабул қилинаётганлиги ҳақидаги эшитганлиги учун қизиқиб суриштириб, қишлоқдошининг таниши бўлган илгари ҚДУда ишлаган Халимова Гўзалоё бунини тушунишини эшитиб ундан маслаҳат сўраб, қизини ўқишини қўшимча контракт қилиб бўлиш бўлмаслигини маслаҳат қилганида, Г.Халимова ёрдам бериб апелляциянинг тартибини тушунтирганини, агар апелляция яхши чиқса ўзи ўқишга кириб контракт тўлолмаган талабаларнинг ўрнига қўшимча кириши мумкинлигини айтганини, кейин у бунинг учун керак бўладиган қизини ДТМ варақаси ва паспорт нусхаларини Халимова Гўзалоёга берганини, бироз вақтдан сўнг Халимова Гўзалоё унга қизи Рахимова Зебонинг хужжатларининг жавоби келганлигини, уни қўшимча равишда контрактини тўламаганларнинг ўрнига олишга рухсат берилганини, қизининг номидан тезда давлат контрактининг икки баравари миқдорида яъни 18.400.000 сўмдан тўлаш лозимлигини айтганини, шу орада қизига Тошкент шаҳардан Зумрад, Маъмура ва Нодира исмли аёллар телефон қилишганини, қизини ҚДУ худудига чақиритганини, Халимова Гузалоёга ҳозирда бунча маблағ йўқлигини айтганида, уйда бўлган мол қўйларни сотиб олиб боришини



айтганини, шундан сўнг тўплаган пуллари 2.000 АҚШ доллари бўлганидан кейин пулларни ҚДУ худудида Ҳалимова Гўзалойни қўлига берганини, Г.Ҳалимова пулларни олганида у тўлов тартибини тушунмаслигини унинг ўзидан қвитанциясини олишини айтганида, Г.Ҳалимова Тошкент шаҳардан келган аёллар бу контракт учун бироз етмаслигини, берган пуллар тахминан 16.000.000 сўм атрофида эканлигини контракт эса 18.400.000 сўм бўлишини айтганини, шундан кейин уни Қамаш тумани Департаментига кейин эса Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокуратурасига терговга чақиришганини, шунда Ҳалимова Гўзалойни қамалганини эшитганини, Ҳалимова Гузалойга қизини контракт пулини тўлаш сифатида 2000 АҚШ доллари берганини, ҳозирда 2000 АҚШ долларига даъво қилишини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ражабов Махмарасул судда, Ҳалимова Гўзалойни тахминан 7-8 йиллардан буён танишини, судланувчи Туйчиева Зумрадни эса 2018 йил сентябрь ойидан буён Тошкент шаҳардан келиб кўпчилик билан ҳужжатлар нусхасини тақдим қилган вақтда кўрганини, уни судланувчиларни ҳеч бирига нисбатан шахсий адовати йўқлигини, ўғли Оралов Азизбек 2018 йил Қарши Давлат Университетига ўқишга ҳужжатларини топшириб, у имтихондан 57 балл атрофида тўплаб ўқишга кира олмаганини, шундан сўнг у ўша вақтда қўшимча контракт асосида, супер контракт асосида кам балл тўплаганлар ҳам ўқишга кириши мумкинлиги ҳақидаги турли гаплаларни эшитиб одамлардан суриштириб, бунинг учун ўқув юртига ариза ёзиб қўйилиши ҳақида эшитганини, у ҳам ўғлига айтириб ўқишга ариза ёздириб қўйганини, ўғлини ҳужжатларини ҚДУдаги қабул комиссиясидаги 45 ёшлар атрофидаги озғинроқ оқроқ киши олиб қолганини, шундан кейин тахминан бир ойлар ўтиб унга Ҳалимова Гўзалой телефон орқали қўнғироқ қилиб, унга ўзини таништириб, ўғли апелляция берганлигини, шунинг учун Тошкентдан одамлар келаётганлигини, улар келганда унга қўнғироқ қилишини, улар ўзлари билан ҳужжатлар билан бирга олиб келишини, ўғлини контракт тўловларини уларга тўлаш лозимлигини, шунинг учун контрактка тахминан саккиз миллион сўм атрофида пуллар олиб келишини, ҳужжатларни олгандан кейин тўловини амалга оширишини, пулларни улар узоққа олиб кетиши кераклигини, одамлари сони кўп бўлгани учун АҚШ доллари кўринишида қабул қилиб олишини айтганини маълум қилганлигини, шунда контракт тўлаш учун 1.000 АҚШ доллари пулларни йиғиб қўйганини, шундан сўнг тахминан 2-3 кун ўтиб унга Зумрад исмли аёл телефон қилиб Гўзалой каби гапларни айтиб, пулларни олиб боришини, улар Тошкент шаҳардан Тест Марказидан келишаётганлигини айтганини, шундан кейин у айтган вақтда Қарши Давлат Университетига борса у ерда кўплаб одамларни кўрганини, у ерда Туйчиева Зумрадой ва Шарифова Нодира ўзини Тест маркази ходимлари деб таништириб, Тест марказининг муҳри босилган ўғлини қўшимча контракт асосида ўқишга кириши тўғрисида буйруқни кўрсатиб, бу ҳужжатни беришганини, шунда ҳужжатни олганида унга контракт



шартномасини беришини сўраганида Зумратой тўловларни Тошкентга тўланишини, контракт икки баробар тўланишини шундан контракт шартномасини берилишини айтганини, ундан ярим пули сифатида 1.000 АҚШ доллари пулларни олиб қолганини, орадан бироз вақт ўтиб Халимова Гўзалой Тошкентдан туриб телефон қилиб, уни ишлари битганлигини лекин тўловни тўлиқ қилиши кераклиги, у ҳужжатларни олиб кетишини айтганини, агар тўлаши аниқ бўлса уни ўрнидан ўзи бериб туришини айтганида, у ҳамма ҳужжатлар жойида бўлса ўзидан пулларни бериб туришини, унинг пулларни келгандан ўғли ўқий бошлаши билан тўлаб беришини айтганини, шундан кейин бироз вақт ўтиб Халимова Гўзалойни қамалиб қолганлигини эшитганини, кейин у ҚДУнинг маркетинг бўлимига бориб буйруқни кўриб, ҳужжатларни қалбаки эканлигини ўғлини ўқишга кирмаганлигини билганини, шундан сўнг бирдан Зумратойга кўнғироқ қилиб пулларини қайтаршини, унга берган ҳужжатлари қалбаки эканлигини, Халимова Гўзалой эса қамалганлигини айтганида, Зумратой унга пулларини билмаслигини, пулларини Гўзалойдан олишини айтганини, сўнг Халимова Гўзалойни қамокдан чиқишини кутиб турганини, Қарши давлат университетини олдида ҳужжат тарқатаётганлардан Зумратой ва унинг шериги исмини у билмайдиган қорарокдан келган гавдали аёл бўлганини, улар тахминан 30 га яқин одамларнинг исмини ўқиб, уларга ҳужжатлари беришганини, улардан ҳам АҚШ доллари кўриниши пулларни олишганини, лекин пуллари олганлиги бўйича квитанция тақдим қилишмаганини, у Зумратойга пулларни контрактнинг тўлов пули сифатида берганини, ҳозирда судланувчиларга берган 1.000 АҚШ доллари пулларини умуман ололмаганини, судланувчилардан унга етказилган зарар 1000 АҚШ долларини ундириб беришни ва судланувчиларга қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Отабекова Фазилат судда, қизи Матлабова Мадинани 2018 йил 15 июль куни Қарши Давлат университетининг “Мактабгача таълим” йуналишининг сиртки бўлимига ўқишга кириш учун ҳужжат топширишга қизи билан бирга борганини, у ерда ҳужжат топшириб чиқишганини, кейин ўқишга кириш учун Халимова Гўзалойга таёрланиш учун имтихонга тушиши мумкин бўлган саволлар бўйича тест вариантлари ечиб тайёрланганини, лекин имтихондан ўтолмаганини, шундан сўнг Халимова Гўзалой унга ёрдам беришини, апелляция қилиб, уни қўшимча контрактка киритиш мумкинлиги ҳақида айтганини, бироз вақт ўтганидан кейин Халимова Гўзалой уни қизининг номида апелляция ёзганлигини, уни ишлари тез орада кўриб чиқилишини ва шу орқали ҳал бўлиб қолса унга маълум қилишини айтганини, шундан сўнг Халимова Гўзалой Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази орқали иши ҳал бўлаётганини, қизининг буйруғи чиққанлигини, уни ўқишга контрактини тўлолмаганларнинг ўрнига кириши мумкинлигини бунинг учун контракт тўловини амалга ошириш кераклигини ва бу иш Тошкент орқали ҳал бўлганлиги учун уни Тошкентга тўлов қилиш кераклигини айтганини,



Гўзалои уни телеграмига қизининг буйруғини ташлаб берганини, ушбу хужжат Давлат Тест Маркази ходими нингномидан чиқарилганини, 2019 йил 22 октябрь кечқурун унга Халимова Гўзалои қўнғироқ қилиб, Тошкентдан буйруқлар ва шартнома келаётганлигини, шуни олиш учун эртага эрталаб ҚДУга келиши кераклигини айтганини, 23 октябрь куни тахминан соат 11:00ларда борса, ҳозирги китобнинг олдидаги уйларнинг ёнига Гўзалоининг “Спарк” автомашинасини ёнида одамлар йиғилиб ўтирганини кўрганини, шундан кейин Гўзалои унга кеч қолганлигини айтганини, Гўзалои билан тортишиб қолганини, чунки Гўзалоига тўлаб қўйиши учун контракт тўлови сифатида 8.200.000 сўм пулларни берган бўлсада қизи Мадинани ўқишга чақиришмаганлигидан тортишиб қолганини, кейин шу вақтда Гўзалои билан бирга турган унинг автомашинасида ўтирган ўзини ДТМнинг ходими сифатида таништирган бир аёл уни тинчлантириб буйруқ чиққанини, улар тўловларни тўлаб келишган қизининг тез орада ўқишга чиқишини айтганини, бу вақтда Гўзалои ҳам қизини 1 ноябрдан ўқишни бошлашини айтганини, шунда ҳам уни жахлидан тушмай улардан олган буйруғини ҚДУга кириб текширтириб чиқишини айтганида ўша Тошкентдан келган озғинроқ бўлган аёл ҳозир бундай қилмаслигини, атрофда камералар борлигини, агар ҳозир кириб буни сўраса, уларни ноқулай аҳволга қўйишини, бу ўзаро ишончсизликни келтириб чиқаришини, улар унинг қўлига расмий буйруқ бериб турганлигини айтганини, шундан кейин улар таркатган буйруқни ўзи билан олиб кетганини, контракт тўлови шартномасини эса улар ўзлари билан олиб кетишини айтганини, Халимова Гўзалоига контракт тўлови сифатида 8.200.000 сўм берганини, ҳозирда етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Джаббаров Фахриддин судда, Халимова Гўзалои марҳума турмуш ўртоғи Холиқулова Гулнорани дугонаси бўлганини, ўғли Азаматов Дилшод Халимова Гўзалоини қўлида ўқишга кириш учун 2015-2016 йилларда тайёрланганини, кейин ўқишга топшириб йиқилиб, кейинроқ Украина давлатига ўқишга кирганини, ўғли Украинада ўқиб юрган вақтларда у ерда ҳолат анча оғирлашиб қолганлиги учун ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчириш учун ҳаракат қилиб имтихондан ўтолмагандан кейин Халимова Гўзалои уни қўшимча равишда апелляция қилиб ўқишига кўмаклашишини айтганини, уни иши кўп бўлганлиги ва бу соҳани тушунмаганлиги ва чет элда ўқитиш анча ҳаражатга тушаётганлиги учун унга хужжатлари билан ўзи шуғулланишини контракт тўлови ва бошқаларни кейин ўзи тўлаб беришини бир-бири билан кейин ўзаро олди бердини ҳисоб китоб қилиб олиши ҳақида айтганини, шундан сўнг Халимова Гўзалои Тошкентга ер олди бердиси бўйича қамалганини эшитганини, кейин уни Косон тумани департаментига терговга чақиришганини, шунда ўғли Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлининг номида уни ўқиши Ўзбекистоннинг стаматалогия институтига



кўчирилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатларни мавжудлигини, бу ҳужжатларни ким тайёрлаганлигини сўрашганини, бу ҳолатларни билмаслигини, бу ишлар билан Халимова Гўзалой шуғулланганини айтганини, кейинроқ Халимова Гўзалой қамалиб чиққанидан кейин Гўзалой билан гаплашганида уни Маъмура, Зумрад ва Нодира исмли аёллар алдаб сохта ҳужжатлар кўрсатиб, ўғлининг ва бошқаларнинг иши бўйича ундан кўплаб пулларни олиб кетганлигини, Халимова Гўзалой унга ўғли Азаматов Дилшоднинг ўқиши учун ўз ҳисобидан Раббимқул исмли одам орқали Зумратойга 4.200 АҚШ доллари пуллар бериб юборганлигини айтганини, у ҳеч кимга пул бермаганини, судланувчиларга ҳам даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатуви берди.

Судланувчи З.Туйчиева судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, Гулямова Маъмурани 10-15 йиллардан буён танишини, у билан пул-олди берди қилиб туришини, Шарипова Нодирани 2018 йилнинг август ойида Гулямова Маъмура орқали танишганини, унга Маъмура Нодирани тест марказининг ходими, ўзининг устози деб таништирганини, уни Нодирага нисбатан шахсий адовати йўқлигини, у Толибжанова Висолани 2018 йил октябрь ойида Халимова Гўзалой уларга жўнатган намуна қоғозни кўрсатиш учун Маъмура “Само” кафесига чақирганда кўрганини, унга Маъмура Нодирани ДТМ марказида ишлашини айтганини, у Халимова Гўзалани 2018 йил сентябрь ойида Икромов Раббимқул Украина давлати Харьков шаҳрида жойлашган миллий тиббиёт олий ўқув юртидан Ўзбекистондаги Тошкент Стаматология олий ўқув юртига кўчириш учун 1 дона ҳужжат олиб келиш учун унинг ҳужжатида берганида таниганини, у Икромов Раббимқулни 2011 йилдан эскичадан хабари бор одам сифатида олиб келиб, уйини ўқитганидан танишганини, бир кун Икромов Раббимқул унга “қўлимда бир документ бор бир кишини чет элдан ўқишини Ўзбекистонга кўчириш керак, танишингиз борми” деб айтганини, шунда Раббимқул акага “майли танишларимга айтиб кўраман деб айтиб, яна шу ишга мани аралаштирманг” деб айтганини, кейин турмуш ўртоғи Раббимқулга “ман тўғирлаб бераман” деб айтганидан кейин Раббимқул билан турмуш ўртоғи ташқарига чиқиб кетишганини, кейин турмуш ўртоғи кечги пайт уйга келиб унга “Раббимқулни қўлидаги ҳужжатлар манашу экан, Украина давлати Харьков шаҳрида жойлашган тиббиёт олий ўқув юртига ўқийдиган Дилшод исмли болани ўқишини Тошкент стаматология институтига ўқишини кўчириш керак экан” деб айтганини, Дилшодни ўқиши учун Гўзалой Раббимқулга 2000 АҚШ доллари берганини, Раббимқул ушбу пулдан 500 АҚШ долларини олиб қолиб келиб, 1500 АҚШ долларини турмуш ўртоғига берганини, кейин у Гулямова Маъмуранинг танишлари кўп бўлгани учун унга кўнғироқ қилиб, ундан “бир болани ўқишини Украинанинг Харьковдан институтидан Ўзбекистонга кўчириш керак экан, шуни қила оласамми” деб сўраганини, шундан кейин у буни қила олишини, кимнинг ҳужжатлари ҳал қилиш кераклигини сўраганида, Раббимқул ака Халимова Гўзалой ҳужжат бериб юборганини, уни



хужжатлари ўзида эканлигини айтиб Азаматов Дилшод деган боланинг хужжати бурганини, шундан сўнг бироз вақт ўтиб Раббимкул ака Тошкент шаҳрида бўлганида Халимова Гўзалой ўз иши билан келганида у Халимова Гўзалой билан Раббимкул ака ўзаро таништириб қўйганини, шундан кейин у Гулямова Маъмурага олган хужжатни қандай қилиб ҳал қилиш мумкинлигини сўраганида, у Тошкентда “Само” кефесидида ўтирганида ДТМда ишловчи устози сифатида Шарифова Нодирани чақириб таништирганини, Нодира келганидан кейин Толипжоновна Висолани “Таълим вазирлигида” ишловчи ходим сифатида чақирганини, шунда у Халимова Гўзалойдан олган ўқишни Ўзбекистонга кўчирилганлик тўғрисидаги намуна хужжатни олиб, уни қалбаки эканлигини, ўқишга кўчириш ҳаражатлари 3.000 АҚШ долларидан ортиқ бўлишини айтганини, шунда у бу гапни телефон орқали Халимова Гўзалойга айтганида, ҳаражатларини беришини, уни кўчириш масаласини тезроқ битиришни айтганини, кейин Висола бу хужжатларни ҳал қилишини айтиб хужжатларни олиб кетганини, бироз вақт ўтиб Висола Халимова Гўзалойга берган Дилшод деган боланинг хужжатлари Ўзбекистонга кўчирилганлиги тўғрисидаги хужжатларни нусхасини унинг телеграмма тармоғига ташлаб юборганини, лекин ушбу хужжатда унинг фамилияси нотўғри бўлганлигини унга Маъмура айтганини, шундан кейин Халимова Гўзалой унга қўнғироқ қилиб, уни кўплаб танишлари имтихондан йиқилганлигини, шуларни қўшимча контракт қилиб ўқишга киритиш тартибини ва бунга қандай ёрдам берилиши мумкинлигини сўраганини, у бу ҳақда ҳам Маъмурадан сўраганини, Маъмура унга бу ишни қилиш мумкинлигини, унга Нодира ёрдам беришини айтганидан кейин Халимова Гўзалойга ўқишни ҳал қилиб беришини айтганини, Халимова Гўзалой бу учун нима қилиш кераклигини сўраганида, Маъмура ва Нодиралар билан маслаҳатлашиб, уларнинг паспорт нусхаларини ва ДТМлар қоғозларининг телеграмдан ташлаб юборишни айтганини, Халимова Гўзалой ўқишга кирмоқчи бўлганларнинг хужжатлари нусхаларини унга ташлаб бурганини, у хужжатларни нусхалари қоғозда чиқариб, ушбу хужжатларни Нодирага бурганини, Нодира ушбу хужжатларни олганини, Нодира ушбу хужжатларни қаерда қандай тартибда қалбакилаштирганидан хабари бўлмаганини, шундан сўнг Қашқадарё вилоятига келиб, ўқиш масаларини аниқлаштириш, Халимова Гўзалой ва унинг одамларини тинчлантириш, қўшимча контракт тартибини аниқлаштириш учун келишганини, улар билан бирга Нодира “ДТМ”нинг ходими сифатида, Маъмура эса тадбиркор сифатида келганини, “Афсона” меҳмонхонасига жойлашишганини, уларни Халимова Гўзалой кутиб олиб, чойхонада меҳмон қилганини, кейин Маъмура билан Халимова Гўзалой спиртли ичимлик истеъмол қилишганини, Халимова Гўзалой мақтаниб юқорида катта танишлари борлигини, Вазирлар Маҳкамасида Абдор Ибрагимович деган таниши борлигини айтганини, шунда Маъмура Халимова Гўзалойга ўртоғига Тошкент шаҳридан ер кераклиги ҳақида гапирганини, кейин шу мавзу



хақида озроқ гаплашишганини, шундан кейин кундузи Нодира Қарши Давлат Университетининг ректори Боходир аканинг олдига кириб чиққанлигини айтганини, эртаси куни Тошкент шаҳрига қайтиб кетганини, биринчи марта келганида меҳмонхонанинг харажатларини Маъмура, йўл харажатларини келиш ва кетишни уни ўзи тўлаб берганини, орадан тахминан 10-15 кун ўтиб яъни 2018 йил 22 октябрь куни у, Маъмура ва Нодира билан бирга Қарши шаҳрига келганликларини, шундан кейин улар хужжатларини олиб келган одамлардан Гўзал ва Нодира университетга чақириб қўйишганини билганини, улар яна Афсона меҳмонхонасига жойлашишганини, у, Нодира ва Гўзал биргаликда Гўзалнинг автомашинасида Қарши Давлат университетининг олдига боришганини, улар Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг номи кўрсатилган қалбаки ясалган хатни кўрсатиб, М.Рузиева, М.Тайлакова ва ҳозирда исм ва фамилялари эсида бўлмаган фуқароларни ДТМнинг буйруғига асосан контракт асосида талабалар сафига қабул қилинганлиги тўғрисидаги қалбаки буйруқларни кўрсатишиб, уларга контракт тўловлари пулларини тез орада тўланса уларнинг ўқишга жойлаштириб келишини айтишганини, шундан кейин у Гўзалнинг автомашинасида ўтириб турганини, Нодира билан Гўзал одамлар билан гаплашиб, уларнинг қоғозларини тарқатишганини, Нодира бу орада ректорнинг олдига кириб чиқиб у ердан контракт қоғозларини олиб чиққанини, у ва Нодира у ерда ўша одамларга ўзларини ДТМнинг ходимлари сифатида таништиришганини, шу ерда одамлар пул берган бермаганини билмаслигини, агар пуллар берган бўлса, ушбу пулларни ҳам Гўзалнинг ўзи олган бўлиши мумкинлигини, кейин улар бирга Тошкент шаҳрига қайтиб кетишганини, шунда уларни ортидан Тошкент шаҳрига Халимова Гўзалой ҳам борганини, Халимова Гўзалой Қаршидан кетишдан олдин уни харажатлар учун 500 АҚШ доллар пул берганини, ушбу 500 АҚШ доллардан 100 АҚШ долларини Шарифова Нодирага ва яна 100 АҚШ долларини Гулямова Маъмурага берганини, у Маъмурага 100 АҚШ долларини у йўл харажатларини ўз ҳисобидан қилгани учун берганини, у кейинчалик билса Гузалой Тошкент шаҳрига бориб Маъмуранинг танишига ер олиб бермоқчи бўлган ҳолати бўйича тадбир қилиб ушлаб олиб кетишганини, шунда Халимова Гўзалойнинг ёнида бўлган улар томонидан берилган қалбаки хужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини қўлига тушиб, ушбу ҳолат бўйича Халимова Гўзалой ва бошқаларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишидан бир қисми алоҳида ажратилганини, ушбу жиноят ишидан Қарши шаҳрида бўлган ҳолатлар Қарши шаҳрининг ўзига бериб юборилганини, у ушбу ҳолатлардан Чори исмли одамдан такси орқали 2.000 АҚШ доллари, Ҳожи онадан 1.500 АҚШ долари, Азиз исмли боладан 500 АҚШ доллари, Асқардан 2.000 АҚШ доллари пулларни такси орқали олганини, ушбу пулларни бир қисмини Нодирага ишларни ташкил қилиши учун берганини, қолган қисмини ўз эҳтиёжларига ишлатганини, бундан ташқари у Мўтабар, Отабекова Фазилат, Каримов Ориф, Дилафруз, Умаров Ориф, Оралов Азиз,



Тўлаева Хусния ва Зебинисо исмли фуқаролар билан гаплашиб, уларнинг ишлари битаётганини безовта бўлмаслигини айтганини, унга берилган пуллар 500 АҚШ доллорини ўзига олганини, қолган пулларни Маъмуранинг иштирокида “Само” кафесидан Нодирага берганини, Нодира унга ўшанда у белгилаб Халимова Гўзалога телеграмм орқали ташлаб берган рўйхатдаги 10 та кишининг буйруқлари олиб келиб, берганини, у унга берган пуллар бошқа пулларни кимлар олганлигини ва қаерга ишлатилганини билмаслигини, ўқишга кирмоқчи бўлганларга берилган қалбаки ҳужжатлар унга ҳаммасини Нодира берганини, лекин ушбу ҳужжатларни улар қаерда қандай усулда тайёрлаганини билмаслигини, Харковдан кўчиришнинг пуллари эса курерлик харажатлари учун олинганини, ушбу ёзувлар унга тегишли у ушбу ёзувларни ўзи ёзганини, ушбу тилхат ёзиб беришидан мақсад Маъмура унга 300.000.000 сўм моддий ёрдам тушириб бериши кераклигини, у Маъмурага 10 физини бериши кераклигини, Маъмура ишонмаганига олдиндан ёзиб берганини, Маъмура пулларни тушурмаган бўлса ҳам тилхат берганини, Маъмура унга Гўзалога запис қилишни айтганини, унга 2.000 АҚШ доллари жўнатган Аскар билан билан гаплашганини, Мўтабар билан гаплашганини, ундан пулларни олганлигини тан олмаганини, Чори ўзи унга 2.000 АҚШ доллари юборганлиги учун у билан гаплашиб, пулларни олганини Нодирага берганини, лекин ўзи тўлашини айтганини, Китоблик Ҳожи онадан 1.500 АҚШ доллари олганини, унга ҳам пулларни ўзи қайтариб бериши айтганини Азиз исмли боладан 500 АҚШ доллари олганини, 2018 йил 11 октябрь ойида Маъмура, Нодира ва у бирга келганини, ўшанда ҳаммамиз ҚДУ борганини, Маъмура ўша ерда Жамшид ва Бахтиёр исмли кишилар билан гаплашганини, Нодира ректорнинг олдида кириб чиққанини, 2018 йил 23 октябрь куни келганларида эса Маъмура ва Нодира билан бирга келганини, шунда Маъмура ҚДУга бормаганини, 2018 йил 11 октябрь куни келиш ва мехмонхона харажатларини тўлиқ ўзи тўлаганини, оқ йўловчи Ласеттида келганини, иккинчи марта келганларида эса ўша автомашинани рақамини олиб кейин бирга келишганини, йўл харажатлари учун ўзи тўлаганини, Халимова Гўзалогадан 30.000 АҚШ доллари олмаганини, Гўзалога тухмат қилаётганини билдириб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Гулямова (Акромова) Маъмура судда, қўйилган айбловга иқроор эмаслигини билдириб, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Фаол кўчаси, 61-уйда ўғли 1996 йилда туғилган Хамдамов Ғайратжон Бахтиёр ўғли тадбиркорлик билан шуғулланувчи билан бирга яшаб келаётганини, Тўйчиева Зумратойни тахминан 10-15 йиллардан буён танишини, Шарипова Нодирани ёшлигидан буён танишини, уни устози бўлишини, Нодира билан охириги 3 йилда анча яқин муносабатдалигини, унга нисбатан шахсий адовати йўқлигини, Толибжанова Висолани 2017 йил май ойидан у уйини сотмоқчи бўлганида уйига бориб танишиб қолганини, Толибжанова Висола билан салом алиги борлигини, Халимова Гўзалани 2018 йил октябрь ойидан



Тўйчиева Зумратой орқали Икромов Раббимкул Харковдан Ўзбекистонга кўчириш учун 1 дона хужжат олиб келиш учун унинг хужжати бурганида таниганини, Икромов Раббимқулни эса танимаслигини, унга 2018 йил сентябрь ойида Тўйчиева Зумратой телефон қилиб, Раббимқул дегани пулларни олганини, шунинг учун унинг хужжатларини ҳал қилиш кераклигини айтганини, шундан кейин у тахминан бир йиллар олдин Қашқадарёга келганида у билан бирга келган Нодиранинг таниши Қарши Давлат Университетининг ректори бўлганлигини эшитганини, Тўйчиева Зумратой айтган одам Қарши шаҳридан бўлганлиги учун уни таниши борлигини Тўйчиева Зумратойга айтиб, уни бу масалада Нодира билан гаплашиб олишини айтганини, шундан сўнг Тўйчиева Зумратой ва Шарифова Нодира ўзаро бу масалалар ҳақида гаплашиб олишганини, 2018 йил октябрь ойида Қаршига ўзининг таниши бўлган Мирзаева Мовлуда билан боғлиқ иши борлиги, у билан Афғонистонга “ётоқ жилди” ўтказиш масаласида гаплашиш учун келмоқчи бўлганида, Тўйчиева Зумратой Нодира билан Қарши шаҳрига ҚДУнинг ректори билан учрашиш учун келмоқчи эканликларини айтганини, шунда улар билан бирга Қарши шаҳрига келиб Афсона меҳмонхонасига жойлашишганини, у ўзи алоҳида хонага жойлашганини, шундан кейин Тўйчиева Зумратой ва Нодира ўзларининг ишлари билан у эса ўз иши билан овора бўлганини, у ўша келганида Гўзалой билан учрашмаганини, у ўз ишлари билан шуғулланиб, Нодира ва Зумратой билан бирга Тошкент шаҳарга қайтиб кетганини, улар ўқишга кириш, ўқишни кўчириш масалаларини бўйича нималарни гаплашишганлигидан хабари йўқлигини, 2018 йил 22 октябрь куни у яъна Нодира ва Зумрад билан бирга Қарши шаҳрига келганини, улар билан бирга “Афсона” меҳмонхонасида жойлашганини, у ҳар доимгидек ўз ишлари билан банд бўлганини, Нодира ва Зумратой ўзларининг ишлари билан банд бўлишганини, шунда Гўзалой уларни меҳмон қилганини, Гўзалойга ўзини тадбиркор деб таништирганини, Нодира ўзини ДТМ ходими деб таништирганини, шунда Гўзалой бироз ичиб ўзини кўп танишлари борлигини, хоҳлаган муаммосини ҳал қила олишини хусусан Вазирлар Маҳкамасидаги таниши Абдор Ибрагимович деган таниши орқали муаммони тўлиқ ҳал қилишини айтганини, шунда уни таниши бўлган Таня телефон қилиб қолганини, Таняга гап орасида Гўзал билан танишганини, уни ВМда таниши борлигини айтганини, шунда Таня Тошкент шаҳардан ер олиши кераклигини, шу муаммони ҳал қила олиш олмаслиги сўраганини, кейин бу масалани Гўзалдан сўраганида у барча муаммони ҳал қила олишини айтганини, шунда у Гузалойдан телефон рақамини олганини ва ўзаро телефон рақам алмашишганини, шундан сўнг Тошкент шаҳрига қайтиб кетганидан кейин Гўзал таниши Танянинг ишини танишлари орқали ҳал қилиб беришини айтгани учун Таня ариза бериб, Гузалойни тадбирда ушлаб бурганини, у Қарши шаҳрига келиш учун ҳамма йўл ҳаражатларини ўз ҳисобидан қилганини, шунинг учун Тўйчиева Зумрад унга йўл ҳаражати



учун 100 АҚШ доллари берганини, Нодира ва Зумратойдан бошқа пул олмаганини билдириб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Судланувчи Шарифова Нодира судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, Гулямова (Ақромова) Маъмура билан ёшлигидан бир мактабда ўқиганлиги ва маҳалладош бўлганлиги учун яхши танишини, Тўйчиева Зумратойни 2017 йилда Гулямова Маъмура билан ўйида кўриб танишганини, Халимова Гўзалойни 2018 йилнинг сентябрь ойидан таниганини, уни уларнинг ҳеч бирига нисбатан шахсий адовати йўқлигини, у Анвар ака деган шахсдан ўзи пулларини ололмаганидан кейин, бу ҳолат ҳақида Маъмура уни кўшниси бўлганидан гаплашиб, унга пулларини ололмаганини айтганини, шунда Маъмура унга ёрдам беришини айтганини, шундан кейин Маъмура билан анча яқин бўлиб қолганини, Маъмура ўзини доим ходим сифатида тутиб, ўзини давлат ишчиси ёки агент каби кўрсатиб ишлашини билдириб келганини, шунда унга Анвар аканинг қарзни олиб бераман деб юрган вақтларда, Маъмура Зумратойнинг Қашқадарё вилоятида бир таниши борлигини, у ноқонуний ишлар қилаётганлиги уни ушлаб бериш кераклигини айтганини, шундан кейин Маъмура унга бу ҳолат бўйича ёрдам беришини сўраганини, уни Чилонзор метронинг олдига чақириб, кейин кўлига қизил ручкада ёзилган рўйхат кўрсатганини, шунда Маъмурани ёнида Зумратой ҳам бўлганини, улар билан гаплашишини, уларга ўзини Тест Маркази ходими деб таништиришини айтганини, шунда у Маъмура ва Зумратойни гапи билан ўша рўйхатдаги лекин кимлиги ҳозирда ёдида бўлмаган тахминан 3-4 киши билан ўзининг 93-501-97-97 телефон рақами орқали фуқаролар билан гаплашиб, уларга ўзини Тест Маркази ходими эканлигини, уларнинг аризалари қабул қилинганини, натижаси бўйича уларга маълум қилинишини айтгани, у бу гапларни Зумратой ва Маъмураларнинг гапи билан айтганини, шунда у уларга энди фуқаролар унга кўнғироқ қилишса нима дейишини сўраганида, улар унга “ушбу фуқаролар кўнғироқ қилишса кўнғироғига жавоб бермагин” деб айтишганини, шундан сўнг тахминан бир ҳафтала ўтганидан кейин Маъмура унга Зумратойнинг ушлаб берилиши керак бўлган таниши борлигини, у ҳужжатларни яхши тушунгани учун унинг бир танишини ҳужжатларини тўғри ёки йўқлигини аниқлаш учун бирга боришини, ўзи уни олиб боришини ва улар билан айланиб келишини айтганини, шундан сўнг у 2018 йилнинг сентябрь ойида Зумратой, Маъмура билан оқ рангли “Ласетти” русумли автомашинада Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрига келишганини, у ерда “Афсона” номли меҳмонхонага жойлашишганини, эртаси куни тахминан 11:00 ларда уларни Халимова Гўзалой кутиб олиб меҳмон қилганини, шу вақтда Гўзалой ўзининг танишлари ҳақида айтиб турганида уни ўша ерда Маъмура ўзида мавжуд бўлган диктафон билан запис қилиб турганини, шундан кейин улар айтган Зумратойнинг дугонаси шу ва уни ушлаб беришлари кераклигини билганини, шундан сўнг ундан Қарши Давлат Университетида очилган Москва университетининг филиалига тўловларнинг ҳақиқий ёки йўқлигини суриштирганини, кейин



барча ҳужжатлар тўғрилиги ҳақида Маъмура ва Зумратойларга айтганидан кейин, улар билан бирга қайтишини айтишганини, кейин бирга борган такси орқали қайтишганини, уларни бориш ҳаражатлари, меҳмонхона ҳаражатлари ва бошқаларнинг ҳаражатларни Зумратой тўлаганини, у болаларнинг Тест Маркази орқали ўқишга кирганлиги тўғрисидаги буйруқлар чиқарганлигини, шундан кейин Гўзал Тошкент шаҳрига келадиган бўлганини, Зумратой унга Гўзални рақамини бериб у билан учрашишини айтганини, лекин у Гузалой билан учрашмаганини, унга Маъмура яна Қашқадарё вилоятига боришларини, у Маъмурага ёрдам беришини, уларни меҳмон қилган Гўзални тадбир қилиб ушлаш кераклигини айтганини, улар Қарши шаҳрига келиб “Афсона” меҳмонхонасига жойлашишганини, ўзлари билан сохта ҳужжатлар олиб келишганини, ундан бу ҳужжатлар бўйича саволларга жавоб бериб туриши кераклигини айтишганини, шундан сўнг улар Қарши шаҳрига борганида кўриниши содда бўлганлиги учун Зумратой унга 30.000 сўм пул бериб, ушбу пулларга гўзаллик салонига кириб чиқишини, ўзининг Тест марказининг ходими деб кўрсатишини айтишганини, кейин у гўзаллик салонига кириб, улардан олдин ҚДУга бориб, кўшимча контракт бўйича аризалар қабул қилинаётганлиги ёки йўқлигини суриштириб чиққанини, Зумратой ва Гўзал тахминан 5-6 кишига ҳужжатларни тарқатиб туришганини кўрганини, шундан кейин ўша ерда турган шахслардан 2 кишининг ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли, уларнинг ҳужжатлари келган келмаганлигини Гўзал Зумратойдан сўраганини, шунда Зумратой уларга ҳужжат тайёрлаб келмаганлиги сабабли Гўзалнинг машинаси ичида туриб, унга тезда ўшаларнинг номига шартнома тўлдиришини айтганини, у тўлдирганидан кейин худди ректорнинг олдига кириб чиқишини ёки шунга ўхшатишини айтишини, шундан кейин у ушбу қоғозларни олиб, ҚДУ ректорини олдиндан танигани учун саломлашиш учун унинг олдига кириб чиққанини, кейин эса Файзуллаевнинг ёнига боргандан бўлиб кетаётганида Гўзал изидан келаётгани Зумратой телефон қилиб айтганини, Гўзални у чалғитиб туришини айтганини, кейин у Гузалга қараб қаридор олдига бориб, орқага қайтганини, ҳужжатларни Зумратойга берганини, Зумратой бу ҳужжатларни Гўзалойга берганини, у ҳужжатларни одамларга берганини, шунда Гўзал билан бир аёл киши уришиб қолганини, Гўзал уни анчадан буён уни алдаб келаётганини, Гўзал эса алдамаганлигини, тез орада уларни иши битишини айтганини, кейин Зумратой билан бирга меҳмонхонага қайтиб келишганини, у ерда Маъмура ўтирганини, Зумратой Маъмурага Гўзалдан 2.000 АҚШ доллари олганини, лекин уларга буни беролмаслигини айтганини, кейин Зумратой унга 100 АҚШ доллари ва Маъмурага ҳам 100 АҚШ доллари берганини, кейинроқ уни Учтепа туманида одамларни алдаганлиги учун унга қамоқ эҳтиёт чораси қўллашганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига нисбан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.



Бундан ташқари, судланувчилар З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифоваларнинг айби:

-Қарши шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ ЎО ва ОЖТҚГ терговчисининг билдиргиси (1-жилд, и.в.3);

-жабрланувчи Г.Камолованинг Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирига ёзган аризаси (1-жилд, и.в.166);

-судланувчи Шарифова Нодирани гувоҳлик ҳақида ёзган аризаси (1-жилд, и.в.170);

-жабрланувчи Г.Халимованинг тушунтириш хати (1-жилд, и.в.171);

-судланувчи З.Тўйчиева ва Г.Халимоваларнинг телеграм ижтимоий тармоқ орқали ёзишмалари (2-жилд, и.в.24-33);

-нарсани тақдим қилиш баённомаси телеграм ижтимоий тармоқ орқали ёзишмалар (2-жилд, и.в.77-80);

-судланувчи З.Тўйчиева ва Г.Халимоваларнинг телеграм ижтимоий тармоқ орқали ёзишмалари (2-жилд, и.в.100-122);

-судланувчи З.Тўйчиева ва Г.Халимоваларнинг юзлаштириш баённомаси (2-жилд, и.в.167-169);

-судланувчи З.Тўйчиева ва Н.Шарифоваларнинг юзлаштириш баённомаси (2-жилд, и.в.170-173);

-судланувчи Н.Шарифованинг сўроқ баённомаси (2-жилд, и.в.177-182);

-судланувчи З.Тўйчиеванинг сўроқ баённомаси (2-жилд, и.в.257-261);

-судланувчи М.Гулямованинг сўроқ баённомаси (2-жилд, и.в.257-261);

- З.Тўйчиева ва А.Сатторовнинг юзлаштириш баённомаси (3-жилд, и.в.59-62);

- М.Гулямова ва Г.Халимованинг юзлаштириш баённомаси (3-жилд, и.в.63-66);

- З.Тўйчиева ва Г.Халимованинг юзлаштириш баённомаси (3-жилд, и.в.67-72);

- Н.Шарифова ва Г.Халимованинг юзлаштириш баённомаси (3-жилд, и.в.73-79);

- ашёвий ёзма далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (3-жилд, и.в.218);

-жиноят ишини бир қисмини алоҳида жиноят иши тариқасида ажратиш тўғрисида қарор (3-жилд, и.в.226-227);

-тушунтириш хатлари, жабрланувчиларнинг дастлабки терговдаги ва суддаги кўрсатувлари, сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Гарчанд, судланувчилар З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарипова судда, жиноят содир этмаганликлари, жабрланувчиларни адлаб уларни кўшимча контракт асосида ўқишга кирганлиги тўғрисидаги буйруқларни бериб уларни пуллари Г.Халимова орақли алдаб пуллари олмаганликлари хусусида важлар келтиришса-да, суд уларнинг ушбу



важларини юқорида қайд этилган асосли далиллар мажмуидан ташқари, куйидагилар билан ишончга сазовор эмас деб топиб, ушбу важлар М.Гулямова томонидан жавобгарликдан ва жазодан қутулиш мақсадида, З.Тўйчиева ва Н.Шарипова томонидан эса жавобгарлигини ва жазосини енгиллаштиш мақсадида келтирилган деб баҳолаб, рад қилишни лозим топади.

Судланувчи Тўйчиева Зумратов дастлабки терговда берган дастлабки тушунтириш хати ва барча кўрсатувларида, Гулямова Маъмурани тахминан 10-15 йиллардан буён танишини, Шарипова Нодирани 2018 йил август ойида Гулямова Маъмура орқали танишганини, унга Нодирани Маъмура тест марказининг ходими, ўзининг устози деб таништирганини, Толибжанова Висолани 2018 йил октябрь ойида Гўзал уларга жўнатган намуна қоғозни кўрсатиш учун Маъмура “Само” кафесига чақирганда кўрганини, унга Висолани Маъмура “Таълим вазирлигида” ишлашини айтганини, у Халимова Гўзални 2018 йил сентябрь ойидан Икромов Раббимқул Харковдан Ўзбекистонга кўчириш учун 1 донна ҳужжат олиб келиш учун унинг ҳужжатиини берганида таниганини, Икромов Раббимқулни 2011 йилдан эскичадан хабари бор одам сифатида олиб келиб, уйини ўқитганидан таниганини, 2018 йил тахминан сентябрь ойида Икромов Раббимқул уйига келганида уни илгари ўқиш масаласида судланганлигини, болаларни ўқишга киритишга кўмаклашаганлигини билгани учун ундан бир танишини ўғлини Харковдан Ўзбекистонга кўчириш кераклигини айтганини, шундан кейин у буни суриштириб кўришини тартибини билиб, кейин бу ҳақида айтишини, кейин у Гулямова Маъмуранинг танишлари кўп бўлгани учун унга қўнғиоқ қилиб, ундан “Харковдан Ўзбекистонга кўчириш керак экан, шуни қила оласамми” деб сўраганини, шунда Маъмура буни қила олишини, кимнинг ҳужжатлари қилиш кераклигини сўраганида, у Раббимқул акадан кимни ҳужжатлари қилишни сўраганида, Қашқадарёлик таниши бўлган Халимова Гўзалоёй ҳужжат бериб юборганлигини, уни ҳужжатлари ўзида эканлигини айтганини, кейин унга Азаматов Дилшоднинг деган боланинг ҳужжатиини берганини, шундан сўнг бироз вақт ўтиб Раббимқул ака Тошкентда турганида, Гўзал ўз иши билан келганини, шунда Раббимқул уни Гузалоёй билан ўзаро таништириб қўйганини, шундан сўнг Гўзалоёй билан бир бирини рақамини олиб танишиб олишганини, у Гулямова Маъмурага олган ҳужжатни қандай қилиб ҳал қилиш мумкинлигини сўраганида, Маъмура Тошкентда “Само” кефесидида ўтирганларида ДТМда ишловчи устози сифатида Шарифова Нодирани чақириб таништирганини, кейин Толипжонова Висолани “Таълим вазирлигида” ишловчи ходим сифатида чақиртирганини, шундан кейин улар у Гўзалдан олган ўқишдан Ўзбекистонга кўчирилганлик тўғрисидаги намуна ҳужжатни олиб, уни қалбаки эканлигини, ўқишган кўчириш харажатлари 3.000 АҚШ долларидан ортиқ бўлишини айтишганини, шунда у буни телефон орқали Гўзалга айтганини, шунда Гўзалоёй харажатларини беришини уни кўчириш



масаласини тезроқ битиришни сўраганини, шундан кейин Висола бу хужжатларни ҳал қилишини айтиб хужжатларни олиб кетганини, бироз вақт ўтиб Висола Гўзалга у берган Дилшод деган боланинг хужжатлари Ўзбекистонга кўчирилганлиги тўғрисидаги хужжатларни нусхасини унинг телеграмма тармоғига ташлаб юборганини, лекин ушбу хужжатда унинг фамилияси нотўғри бўлганлиги учун унга Маъмура бу ҳақида айтганини, кейин унга ташланган нусхасидаги фамилияни сўраганини, кейин у Маъмурага ундаги фамилиясини нотўғри эканлигини айтганини, Кейин бу ҳақида Маъмура орқали Висолага айтилганда, у хужжатни тўғирлаб, унга ва Гўзалга телеграм орқали ташлаб берганини, Гўзал кейин унга қўнғироқ қилиб, уни кўплаб танишлари имтихондан йиқилганлигини, шуларни қўшимча контракт қилиб ўқишга киритиш тартибини ва бунга қандай ёрдам берилиши мумкинлигини сўраганини, шунда у бу ҳолат ҳақида ҳам Маъмурадан сўраганини, Маъмура унга бу ишни қилиш мумкинлигини, унга Нодира ёрдам беришини айтганини, шундан кейин у буни қилиш мумкинлиги ҳақида Гўзалга айтганини, у бўлса буни учун нима қилиш кераклигини сўраганини, шунда у Маъмура ва Нодиралар билан маслаҳатлашиб, уларнинг паспорт нусхаларини ва ДТМлар қозоғларининг расимга олиб телеграм орқали телефонига ташлаб юборишни айтганини, кейин Гўзалой ушбу хужжатларни нусхаларини унга ташлаб берганини, у ушбу хужжатларни нусхалари қоғозда чиқриб, хужжатларни Нодирага берганини, Нодира хужжатларни олиб, Маъмура ва ўзининг бошқа танишлари орқали ушбу хужжатларни қалбакилаштиришганини, лекин у ушбу хужжатларни қаерда қандай тартибда қалбакилаштирганидан хабари йўқлигини, шундан сўнг Маъмура Нодира билан Қашқадарёга келиб, ўқиш масаларини аниқлаштириш, Гўзал ва унинг одамларини тинчлантириш, қўшимча контракт тартибини аниқлаштириш учун келишганини, шунда Нодира “ДТМ”нинг ходими сифатида, Маъмура эса тадбиркор сифатида келганини, Қарши шаҳрида келиб “Афсона” мехмонхонасига жойлашишганини, уларни Халимова Гўзалой кутиб олиб чойхонада мехмон қилганини, кейин у ерда Маъмура билан Гўзал ичиб ўтиришганини, Гўзал мақтаниб юқорида катта танишлари борлигини, Вазирлар Маҳкамасида Аброр Ибрагимович деган таниши борлигини айтиб ўтганини, шунда Маъмура унга ўртоғига Тошкентдан ер кераклиги ҳақида гапириб ўтганини, кейин шу мавзу ҳақида озроқ гаплашишганини, кейин кундизи Нодира Қарши Давлат Университетининг ректори Боҳодир аканинг олдида кириб чиққанлигини айтганини, шунда ректор йўқлигини билгани учун у хужжатларни ҳаммасини юқоридан тайёрлаб беришини айтганини, кейин улар мехмонхона бориб ётиб эртаси куни Тошкентга қайтиб кетишганини, биринчи марта келганларида мехмонхонанинг харажатларини Маъмура, йўл харажатларини келиш ва кетишни у ўзи тўлаб берганини, орадан тахминан 10-15 кун ўтиб яъни 2018 йил 22 октябрь куни яъна бирга Маъмура ва Нодира билан бирга Қарши шаҳрига келишганини, шундан кейин улар хужжатларини олиб келган одамлардан баъзиларини Гўзал ва



бошқаларини Нодира университетга чақириб қўйган эканини билганини, улар яна Афсона мехмонхонасига жойлашганликларини, у Нодира ва Гўзал биргаликда Гўзалнинг автомашинасида Қарши Давлат университетининг олдига боришганини, у ерда соҳат буйруқларни одамларга бериб, уларнинг контракт тўловларини пуллари тўланса улар тез орада қайтиб келиб, кейин уларнинг ўқишга жойлаштириб кетишларини айтишганини, кейин у Гўзалнинг автомашинасида ўтириб турганини, Нодира билан Гўзал одамлар билан гаплашиб, уларнинг буйруқларни тарқатишганини, Нодира бу орада ректорнинг олдига кириб чиқиб у ердан контракт қоғозларини олиб чиққанини, у ва Нодира у ерда ўша одамларга ўзларини ДТМнинг ходимлари сифатида таништиришганини, шунда у ердаги одамлар пул берган бермаганлигини билмаслигини, агар пуллар берган бўлса, ушбу пулларни ҳам Гўзалнинг ўзи олиб олган бўлиши мумкинлигини, Қарши шаҳрида Гўзалой унга кетишларидан олдин харажатлари учун 500 АҚШ доллар пуллар берганини, ушбу олган пулимдан Маъмура ва Нодирага 100 АҚШ долларида берганини, кейин Гўзалой Тошкентга келганини, Маъмуранинг танишига ер олиб бермоқчи бўлганини, шундан тахминан бир ҳафтала ўтиб, уни ушбу ер олиб бермоқчи бўлганлиги ҳолати бўйича тадбир қилиб ушлаб олиб кетишган эани, шунда Гўзалнинг ёнида бўлган уар томонимиздан берилган қалбаки ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органли ходимлари қўлига тушиб, ушбу ҳолат бўйича Гўзал ва бошқаларга нисбатан кўзғатилган жиноят ишидан бир қисми алоҳида ажратилди, ушбу жиноят ишидан Қарши шаҳрида бўлган ҳолатлар Қарши шаҳрининг ўзига бериб юборилганини, у ушбу ҳолатлардан Чори исмли одамдан такси орқали 2.000 АҚШ доллари, Ҳожи онадан 1.500 АҚШ доллари, Азиз исмли боладан 500 АҚШ доллари, Асқардан 2.000 АҚШ доллари пулларни такси орқали олганини, ушбу пулларни бир қисмини Нодирага ишларни ташкил қилиши учун берганини, қолган қисмини ўз эҳтиёжларига ишлатганини, бундан ташқари у Мўтабар, Отабекова Фазилат, Каримов Ориф, Дилафруз, Умаров Ориф, Оралов Азиз, Тўлаева Хусния ва Зебинисо исмли фуқаролар билан гаплашиб, уларнинг ишлари битаётганини безовта бўлмаслигини айтганини, улардан бошқа шахслар билан гаплашганини эслолмаслигини, унга берилган пуллар 500 АҚШ доллорини ўзига олганини, қолган пулларни Маъмуранинг иштирокида “Само” кафесидан Нодирага берганини, Нодира унга ўшанда у белгилаб Гўзалга телеграмм орқали ташлаб берган рўйхатдаги 10 та кишининг буйруқлари олиб келиб, берганини, унга берган пуллар бошқа пулларни кимлар олганлигини ва қаерга ишлатилганлигини билмаслигини, билишича бу пулларни бир қисми Гўзалнинг ўзида, қолганини Нодира, Маъмура ва Висолаларда бўлиши мумкинлигини, уларга берилган қалбаки ҳужжатлар унга ҳаммасини Нодира берганини, Харьковнинг ҳужжатининг биринчисини эса унга Маъмура берганини, лекин ушбу ҳужжатларни улар қаерда қандай усулда тайёрлаганлигини билмаслигини, Маъмура ушбу ишлари бошидан билган унга таништирган Шарифова Нодирани тест маркази ходими



эмаслигини билган, бирга келганда ёки пуллар берганда у ҳаммасини кўриб билиб турган, лекин ундан тўғридан тўғри пуллар олмаганини, Маъмурани Нодирадан пулларни бир қисмини олиб кўйганлигини Нодирадан эшитганини, у Маъмурадан кўркишини, улардан пуллар ўқишнинг контракт тўлови эканлигини, улар кўпчилик бўлганлиги учун катта миқдордаги пулларни олиб юрмаслик учун доллар кўрсидида олиб келишларини улар уни сўм қилиб ўзи тўлаб кўйишларини, ушбу пулларни фарқини кейин тўлаб кўйишларини айтганини, Хапрковдан кўчиришнинг пуллари эса курерлик харажатлари учун олинганини, ушбу ёзувлар унга тегишли у ушбу ёзувларни ўзи ёзганини, ушбу тилхат ёзиб беришидан мақсад Маъмура унга 300.000.000 сўм моддий ёрдам тушириб бериши кераклигини, у Маъмурага 10 физини бериши кераклигини, Маъмура унга ишонмаганлиги сабабли олдиндан ёзиб берганини, Маъмура пулларни тушурмаган бўлса ҳам тилхат берганини, Маъмура унга Гўзалоини запис қилишни айтганини, у Маъмурага у бировни запис қилиш учун келмаганлигини айтиб Маъмура билан тортишиб қолганини, бу ғоялар Маъмурадан чиққан, хатто Маъмура Қарши Давлат Университетига боришидан олдин Нодирани салонга юбориш ғояси ҳам Маъмурадан чиққан, унга бошидан Маъмуранинг ўзи Нодирани ДТМ ходими деб айтганини, шунинг учун бу ишлар Нодиранинг кўлидан келади деб ўйлаганини, у ўзи олган жами 11.000 АҚШ долларидан 6.000 АҚШ долларини Нодирага буйруғини чиқартирган одамлар учун контракт тўлови сифатида жами 12 та одам учун берганини, қолган 5.000 АҚШ доллари пуллардан Дилшод ва Мақсуднинг хужжатларини олиб келиш курерлик харажатлари учун Нодирага берганини, кейин билишича Нодира бу пулларни Маъмурага берганлигини эшитганини, уни Янгийўл тумани Тўябўғиз МФЙдаги яшаш хонадоним олдинги қарзлари учун Акромова Санобар опанинг номига ўтганини, ундан ўша ишлар бўйича 11.000 АҚШ доллари қарзи борлигини, у ўзи олган 11.000 АҚШ доллари пулларни тўлаш ҳақида гапирганини, пулларнинг кўпини Маъмура ва Нодиралар олган шунинг учун уларнинг ўзи ҳам тўлаб беришини билдирган (1-жилд и.в.172-177; 181-186; 2-жилд и.в.257-261; 3-жилд и.в.189-195).

Судланувчи Гулямова Маъмура дастлабки терговда берган дастлабки тушунтириш хати ва барча кўрсатувларида, Тўйчиева Зумрадни тахминан 10-15 йиллардан буён танишини, Шарипова Нодирани ёшлигидан буён танишини, Толибжанова Висолани 2017 йил тахминан май ойидан у уйини сотмоқчи бўлганида уйига бориб танишиб қолганини, Халимова Гўзални 2018 йил октябрь ойидан Тўйчиева Зумрад орқали Икромов Раббимқул Харковдан Ўзбекистонга кўчириш учун 1 дона хужжат олиб келиш учун унинг хужжати берганида танишганини, 2018 йил тахминан сентябрь ойида Зумрад телефон қилиб, Раббимқул дегани пулларни олганлигини, шунинг учун унинг хужжатларини ҳал қилиш кераклигини айтганини, шунда бир йиллар олдин Қашқадарёга келганида у билан бирга келган Нодира опанинг таниши Қарши Давлат Университетининг ректори бўлганлигини эшитганини, Зумрад айтган одам Қаршилиқ бўлганлиги учун



уни таниши борлигини Зумрадга айтиб, уни бу масалада Нодира билан гаплашиб олишини айтганини, шундан кейин улар ўзаро бу масалалар ҳақида нималар гаплашишаганини, 2018 йил октябрда у Қарши шаҳрига ўзининг таниши бўлган Мирзаева Мовлуда билан боғлиқ иши борлиги, у билан Афғонистонга “ётоқ жилди” ўтказиш масаласида гаплаши учун келмоқчи бўлганида, Зумрад ва Нодира ҳам Қаршига ҚДУнинг ректори билан учрашиш учун келмоқчи эканликларини айтишганини, шундан сўнг улар билан бирга Афсона мехмонхонасига келиб жойлашганини, у ўзи алоҳида хонага жойлашганини, шундан сўнг Зумрад ва Нодира ўзларининг ишлари билан у эса ўз иши билан банд бўлганини, ўша келганида Гўзал билан учрашмаганини, у ўшанда ўз ишлари билан шуғулланиб, Нодира ва Зумрад билан бирга қайтиб Тошкентга кетганини, Зумрад ва Нодира ўқишга кириш, ўқишни кўчириш масалаларини бўйича нималарни гаплашишганлигидан хабари бўлмаганини, шундан тахминан 10-15 кунлар ўтиб, 2018 йил 22 октябрь куни у яъна Нодира ва Зумрад билан бирга Қарши шаҳрига келганини, бирга “Афсона” мехмонхона жойлашишганини, кейин ҳар доимгидек у ўз ишлари билан банд бўлганини, Нодира ва Зумрад ўзларининг ишлари билан банд бўлишганида, уни Гўзал билан учраштиришда у билан ўтириб Гўзалоё уларни мехмон қилганини, у Гўзалга ўзини тадбиркор деб таништирганини, Нодира ўзини ДТМ ходими деб таништирганини, шунда Гўзал бироз ичиб ўзини кўп танишлари борлигини, хоҳлаган муаммосини ҳал қила олишини Хусусан Вазирлар Маҳкамасидаги таниши Абдор Ибрагимович деган таниши орқали муаммони тўлиқ ҳал қилишини айтганини, кейин шу вақтда уни таниши бўлган Таня телефон қилиб қолганини, у Таняга гап орасида Гўзал билан танишганини уни ВМ да таниши борлигини, айтганини, шунда Таня Тошкентдан ер олиши кераклигини шу муаммони ҳал қила олиш олмаслиги сўрашини айтганини, кейин у Гўзалдан ер масаласида ёрдам бера олиш олмаслигини сўраганида Гўзал барча муаммони ҳал қила олишини айтганини, шундан кейин у Гўзалдан телефон рақамини олганини ва ўзаро телефон алмашишганини, шундан сўнг улар Тошкент шаҳрига қайтиб келишганини, кейин Зумрад ва Нодира телефон орқали ўзаро гаплашиб юришганини, Гўзал таниши Танянинг ишини танишлари орқали ҳал қилиб беришини айтгани учун Таня ариза бериб, уни тадбирда ушлаб берганини, шундан сўнг ўша иш бўйича у Гўзал билан юзлашганида Гўзалдан Зумрад ўқишнинг контракт тўловлари сифатида 30.000 АҚШ доллари пулларни олганлигини, тадбирдан у шу пулларни олиб кетмоқчи эканлигини Гўзални ҳам Зумрад алдашганини билганини, кейин бу ҳолатлар ҳақида Зумраддан сўраганида Зумрад пулларнинг бир қисмини ҳақиқатда олганини, бир қисмини Нодира олганини, ушбу пулларнинг бир қисмини турмуш ўртоғига берганлигини, бундан ташқари Раббимқул деган одам ҳам унинг 4.000 АҚШ доллари пулларни олганини айтганини, уни эшитишига кўра Раббимқул деган одамдан 4.000 АҚШ доллари, Зумраднинг турмуш ўртоғи Раҳматилла ака 1.600 АҚШ доллари олган, Гўзалдан келган смс да кўргани бўйича Нодира



опа 6.000 АҚШ доллари пулларни олган ва Зумраднинг ўзи ўзининг гапига кўра 4,5-5.000 АҚШ долари олганини, лекин аслида уларнинг қанча пуллар олганлигини ва ушбу пуллар нима қилинганлигини билмаслигини, у ушбу сохта буюруқларни қаерда тайёрланганлигини билмаслигини, уни билишича Нодира Тошкентда ўзи бошқа жиноят иши билан ушланганидан кейин, ушбу хужжатларга ўхшаш хужжатларни Тўлқин деган таниши қилиб берганлигини эшитганини, у Нодирани Зумрад билан таништирганини, ундан Гўзал юборган хужжатлар бўйича маслаҳат сўраганини, Халимова Гўзал тадбир қилиб ушланганидан кейин автомашинаси кўздан кечирилганда қалбаки хужжатлар чиққанида Гузалой бу хужжатларни Зумрад ва Нодира қилиб берганини ҳақида айтганини, уни билишимча ҳар бир хужжат учун Тўйчиева Зумраддан 500 АҚШ долларида олиб Нодира қилиб берганини, Зумрад ва Нодира билан фақат Қарши шаҳар бир марта келганини, шунда Қарши шаҳрига келиш кетишни пулини Нодирани ва у учун ҳам Зумраднинг ўзи тўлаганини, Нодира ва Зумрад томнидан олинган пулларни бир сўмини ҳам олмаганини, фақат Зумрад Қарши шаҳрида Афсона меҳмонхонасида Нодира билан унга 100 АҚШ доллардан ҳаражатлар учун берганини, билдирган (2-жилд и.в.266-269; 3-жилд и.в. 210-215;).

Судланувчи Шарифова Нодира дастлабки терговда берган дастлабки тушунтириш хати ва барча кўрсатувларида, Гулямова Маъмурани ёшлигидан танишини, Тўйчиева Зумрадни 2017 йилда Гулямова Маъмуранинг уйида кўриб танишганини, Халимова Гўзалойни 2018 йил сентябрь ойидан танишини, Анвар деган шахсдан ўзи пулларини ололмаганидан кейин, бу ҳолат ҳақида Маъмура уни кўшни бўлганидан гаплашиб, унга пулларини ололмаганлигини айтганини, шундан сўнг Маъмура унга бу борада ёрдам беришини айтганини, Маъмура у билан гаплашиб, Маъмура ўзини доим ходим сифатида тутиб ўзини давлат ишчиси ёки агент каби кўрсатганини, Маъмура Зумраднинг Қашқадарёда бир таниши борлигини, у ноқонуний ишлар қилаётганлиги уни ушлаб бериш кераклигини айтганини, шунда Маъмура унга бу ҳолат бўйича ёрдам беришини айтганини, уни Чилонзор метронинг олдига чақириб, кейин рўлига қизил ручкада ёзилган рўйхат кўрсатганини, Маъмурани ёнида Зумрад ҳам бўлганини, у ўқишга кирмоқчи бўлган рўйхатдаги фуқаролар билан гаплашишини уларга ўзимни Тест Маркази ходими деб таништиришини айтганини, шундан кейин у Маъмура ва Зумрадни гапи билан ўша рўйхатдаги лекин кимлиги ҳозирда ёдимда бўлмаган тахминан 3-4 киши билан ўзининг 93-501-97-97 телефон рақами орқали гаплашиб, уларга ўзини Тест Маркази ходими эканлигимни уларнинг аризалари қабул қилинганлигини, натижаси бўйича уларга маълум қилинишини Зумрад ва Маъмуранинг гапи билан айтганини, шундан сўнг Маъмура ва Зумраддан фуқаролар унга кўнғироқ қилишса нима дейишини сўраганида, уларнинг телефони кўтармаслигини айтишганини, орадан бир ҳафталар ўтганидан кейин Маъмура унга Қарши шаҳрига бориб Зумраднинг ушлаб берилиши керак бўлган таниши борлигини, шунингдек, у



хужжатларни яхши тушунгани учун унинг бир танишини хужжатларни ва пул тўлашини тўғри ёки йўқлигини аниқлаш учун бирга боришини ўзи уни олиб боришини айланиб келишини айтганини, кейин Маъмура ва Зумрад билан бирга уларнинг гапига кўра тахминан 2018 йил сентябрда Зумрад, Маъмура ва у оқ рангли “Ласетти” русумли автомашинада Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрига келишганини, у ерда “Афсона” номли меҳмонхонага жойлашишганини, эртаси куни уларни Халимова Гўзалой кутиб олиб меҳмон қилганини, шу вақтда Гўзалой ўзининг танишлари ҳақида айтиб турганида уни ўша ерда Маъмура ўзида мавжуд бўлган диктафон билан запис қилиб олганини, шунда тушунишча Маъмура айтган Зумрадни дугонаси шу ва уни ушлаб беришлари кераклигини билганини, лекин унга бу ҳақида айтишганда, Гўзал университетда ўқитувчи эканлигини, порахўр эканлигини айтишганини, шунда Маъмура ва Зумрад ундан Қарши Давлат Университетида очилган Москва университетининг филиалига тўловларнинг ҳақиқий ёки йўқлигини сурашганида, барча хужжатлар тўғрилиги ҳақида Маъмура ва Зумрадга айтганини, шундан сўнг улар бирга борган такси орқали Тошкент шаҳрига қайтиб келишганини, уларни бориш харажатлари, меҳмонхона харажатлари ва бошқаларнинг харажатларини Зумрад тўлаганини, у Зумрадни болаларнинг Тест Маркази орқали ўқишга кирганлиги тўғрисидаги хужжатларни буйруқлар чиқарганини, шартномалар борлигини кўрганини, уларни тўлдиришни сўраганда у баъзиларини тўлдириб берганини, шу орада Гўзал Тошкент шаҳрига келадиган бўлганини, шунда Зумрад уни рақамини бериб Гўзал билан учрашишини айтганини, у Гўзал билан нимага учрашишини уни Гўзал билан умуман алоқаси йўқлигини айтганини ва Гўзалойнинг олдига чиқмаганини, Халимова Гўзал ҳеч қайси билан учрашмасдан қайтиб кетганини, шундан кейин унга Маъмура яна Қашқадарёга боришини, у Маъмурага ёрдам беришини, уларни меҳмон қилган Гўзални тадбир қилиб ушлаш кераклигини, у унга холис сифатида ёрдам беришини айтганини, Қарши шаҳридаги Афсона меҳмонхонасига жойлашишганини, улар ўзлари билан сохта хужжатлар олиб олишганини, ундан бу хужжатлар бўйича саволларга жавоб бериб туриши кераклигини айтишганини, шунда уни кўриниши содда бўлганлиги учун Зумрад унга 30.000 сўм пуллар бериб, ушбу пулларга салонга кириб чиқишини, ўзининг Тест марказининг ходими деб кўрсатишини айтганини, кейин у салонга кириб, улардан олдин ҚДУга бориб, қўшимча контракт бўйича аризалар қабул қилинаётганлиги ёки йўқлигини суриштириб чиққанини, ташқарига чиққанида Зумрад ва Гўзал тахминан 5-6 кишига хужжатларни тарқатиб туришганини кўрганини, шунда ўша ерда турган шахслардан 2 кишининг хужжатлари бўлмаганлиги сабабли, уларнинг хужжатлари келган келмаганлигини Гўзал Зумраддан сўраганида, Зумрад уларга хужжат тайёрлаб келганлиги сабабли Гўзалнинг машинаси ичида туриб деб айтиб, унга тезда ўшаларнинг номига шартнома тўлдиришини айтганини, у хужжатларни тўлдирганидан кейин худди ректорнинг олдига кириб чиқишини ёки шунга ўхшатишини айтганини, шунда у ушбу қоғозларни



олиб, ҚДУ ректорини олдиндан танигани учун саломлашиш учун унинг олдига кириб чиққанини, кейин эса Файзуллаевнинг ёнига боргандан бўлиб кетаётганида Гўзал изидан келаётгани Зумрад телефон қилиб айтганини, Гўзални у чалғитиб туришини айтганини, кейин у Гўзални қараб қаридоргача бориб, орқага қайтганини, хужжатларни Зумрадга берганини, Зумрад бу хужжатларни Гўзалоёга берганини, у хужжатларни одамларга берганини, Гўзал билан бир аёл киши уришиб қолганини, у Гўзални анчадан буён уни алдаб келаётганини, Гўзал эса алдамаганлигини уларни келганини тез орада ишлари битишини айтганини, кейин Зумрад билан бирга меҳмонхонага қайтишганини, у ерда Маъмура ўтирганини, кейин Зумрад Маъмурага Гўзалдан 2.000 АҚШ доллари олганлигини, лекин уларга буни беролмаслигини айтганини, унга 100 АҚШ доллари ва Маъмурага ҳам 100 АҚШ доллари берганини, кейин Маъмура бу ҳолат бўйича уришиб кетганидан кейин у уларни ўзини ташлаб чиқиб кетганини, бу вақтда Маъмура ичиб олгани учун йўлда Зумрад билан, Зумрад ҳам Раббимкул деган одам билан телефондан уришиб кетганини, кейинчалик билса улар Гўзалоёни чақириб, уни Тошкентда ушлаб беришганини, бундан олдинроқ унга Зумрад олдиндан олиб юрган пулларни бериш учун чақирганини, бир таниши келаётгани унинг хужжатларни олиб қолишини илтимос қилганини, кейин у хужжатларни олишга борганида у унга 2.000 АҚШ доллари пуллар тутқазганини, у кўрққани учун пулларни олмаслигини айтиб, Зумрадга кўнғироқ қилганини, лекин Зумрад телефони кўтармагандан кейин у Гўзал билан гаплашганида пулларни олишини, Зумрад ва Висолага беришини айтганини, шундан кейин у пулларни ундан олганини, кейинроқ у Учтепа туманида фуқароларни алдаганлиги учун унга қамоқ эҳтиёт чораси қўллашганини, шунда уни қамалганлигини билганидан кейин Зумрад ва Маъмура барча айбни у ва Гўзалга тўнкаб ташлашганини, у Зумрад ва Маъмуранинг гапларига ишониб, булар тадбир қилишяпти бу ҳолат қонуний ва у уларга ёрдам бераяпман деб ўйлаганини, уларнинг пулларида олмаганини, унга фақат Зумрад берган 100 АҚШ доллари пулларни олганини, бу пулларни йўл харажатлари учун уларнинг ўзларига ишлатганини, уни Қарши шаҳрига боришини Маъмура айтганини, у ерга бориб Маъмуранинг тадбирига ёрдам бериши керак бўлганини, буни Зумрад ҳам билганини, унга Зумратни Маъмура таништирганини, уни бу ишлардан хабари бўлган бўлса керак деб ўйлаганини, ўқиш учун бориш ва шу орқали пуллар ишлашни Маъмура режа қилганини, бу ҳолатлар Маъмурани режаси бўлганини, уни билишига кўра ушбу режаларни Маъмура тузган ва пулларни олгандан кейин барча ҳолатларни билмагандай қутилиб кетмоқчи бўлганини, билдирган (1-жилд и.в.189-194; 2-жилд и.в.177-182; 3-жилд и.в.84-88; 93-98).

Судланувчилар З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шариповалар гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ушбу кўрсатувларини берган вақтда уларнинг ҳимоячилари бевосита иштирок этишган.

Суд, судланувчилар З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарипованинг дастлабки тергов жараёнида ва судда берган кўрсатувларини ишончга



сазovorлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, кўрсатувларни ишдаги тўпланган далиллар билан таққослаб, уларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувларини ишончга сазовор деб баҳолаб, асосли далил деб топишни лозим топади.

Суд, судланувчи М.Гулямованинг важларини муҳокама қилиб қўидагилар билан рад қилишни лозим топди.

Жумладан, судланувчи М.Гулямованинг судда, жабрланувчиларни танимаслигини, уларни қўшимча контаркт асосида апелляция орқали ўқишга киритиш бўйича гаплашмаганини, жарланувчилар билан З.Тўйчиева ва Н.Шариповалар ўзаро гаплашганликларини ҳақидаги важини муҳокама қилиб, унинг ушбу важлари жабрланувчилар ва судланувчи Н.Шарипова ва З.Тўйчиеванинг дастлабки терговда берган кўрсатмалари, унинг ушбу важлари фирибгарлик йўли билан олинган пулларни қайтармаслик учун ўйлаб топилган важ деб рад қилишни;

бундан ташқари, З.Тўйчиева ва Д.Шариповалар жабрланувчилар А.Хазратовнинг ўғлини ўқишини кўчириб бериш учун Г.Халимова орқали 2000 АҚШ доллари, О.Қурбонов ўғлини ўқишини кўчириб бериш учун Г.Халимова орқали 2000 АҚШ доллари, У.Рахимовнинг қизини ўқишини қўшимча контракт асосида ўқишга киргизиб бераман деб 2000 АҚШ доллари, М.Рўзиеванинг ўқишини қўшимча контракт асосида ўқишга киргизиб бераман деб 2000 АҚШ доллари, М.Тайлоқованинг ўқишини қўшимча контракт асосида ўқишга киргизиб бераман деб 2000 АҚШ доллари, Г.Халимова орқали олмаганлиги ҳақидаги важлари жабрланувчиларнинг кўргазмалари, “телегирам” ижтимоий интернет тармоғи орқали ёзишмалари ҳамда З.Тўйчиева ва Г.Халимованинг юзлаштириш баённомаси, Н.Шарипова ва Г.Халимованинг юзлаштириш баённомаси билан рад этилади, уларнинг бу важи фирибгарлик йўли билан олинган пулларни қайтармаслик учун ўйлаб топилган важ деб рад қилишни;

шунингдек, жабрланувчи Г.Халимова томонидан Азимова Зулфия Ураковна, Мейлиева Марифат Абдусаломовна, Чориева Хуснора Ганишер кизи, Тўлаева Хусния Носировна, Жавлиева Марзия Эштемировна, Боймурадов Алимардон Абдимўминович, Бобоқараева Сайёра Арзикуловна, Холёрова Хулкар Ташкентовна, Рўзиева Назира, Юлдашева Азиза Комиловна, Матлабова Мадина Алишер кизи, Оролов Азизбек Махмарасул ўғлининг контракт тўловларини тўлиқ тўлаб, ҳужжатларни ҳал қилиб, қвитанция орқали пулларни қайтариб бериш учун 30.000 АҚШ доллари пулларни судланувчи З.Тўйчиева М.Гулямова ва Н.Шариповалар олмаганликларини, ушбу юқорида кўрсатилган шахсларнинг вакиллари судда ўзлари алоҳида жабрланувчи бўлиб келганликларини, жабрланувчи Г.Халимовага уларни ўрндан контракт пулларини тўлашликларини айтмаганини, шунингдек, Г.Халимова ҳам суд терговида ушбу 30.000 АҚШ долларини тикув машинаси сотиб олиб бериши учун З.Тўйчиевага берганини, ушбу ҳолатга А.Сатторов гувоҳ бўлган деган важлари судда жабрланувчи тариқасида сўралган А.Сатторов Г.Халимовани судланувчи



3.Тўйчиевага 30.000 АҚШ доллари берганини кўрмаганини билдирди, шу боис судланувчиларнинг айбига қўйилган 30.000 АҚШ долларини олганлиги ўз тасдиғини топмади.

Бундан ташқари дастлабки тергов органи томонидан судланувчиларга нисбатан Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлини ўқишини Украина давлатидан Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Халимова Гузалоой Камаловнадан 4.200 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги ҳақида айб қўйилган.

Бироқ, судда сўралган Жабборов Фахриддин, ўғли Азаматов Дилшодни ўқишини Украина давлатидан Ўзбекистон давлатига кўчириш учун курьерлик харажатлари учун Халимова Гузалоойга 4.200 АҚШ доллари бермаганлигини, шунингдек, судланувчи 3.Тўйчиева Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлини ўқишини Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Халимова Гузалоой Камаловнадан 4.200 АҚШ доллари эмас, балки 2.000 АҚШ доллари олганлигини билдирди.

Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасига асосан айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Шу боис суд, судланувчи 3.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифоваларни айбига қўйилган яъни Азимова Зулфия Ураковна, Мейлиева Марифат Абдусаломовна, Чориева Хуснора Ганишер қизи, Тўлаева Ҳусния Носировна, Жавлиева Марзия Эштемировна, Боймурадов Алимардон Абдимўминович, Бобоқараева Сайёра Арзикуловна, Холёрова Ҳулкар Ташкентовна, Рўзиева Назира, Юлдашева Азиза Комиловна, Матлабова Мадина Алишер қизи, Оролов Азизбек Махмарасул ўғлиларнинг контракт тўловларини тўлиқ тўлаб, ҳужжатларни ҳал қилиб, квитанция орқали пулларни қайтариб бериш учун Халимова Гузалоой Камаловнадан 30.000 АҚШ доллари пулларни олганликдаги эпизодларни, шунингдек Азаматов Дилшод Фахриддин ўғлини ўқишини Украина давлатидан Ўзбекистонга кўчиришнинг курьерлик харажатлари учун Халимова Гузалоой Камаловнадан 4.200 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги ҳақидаги айб сўммасидан 2200 АҚШ долларини, шунингдек, жабрланувчи Г.Халимова Азимова Зулфия Ураковна, Мейлиева Марифат Абдусаломовна, Чориева Хуснора Ганишер қизи, Тўлаева Ҳусния



Носировна, Жавлиева Марзия Эштемировна, Боймурадов Алимардон Абдимўминович, Бобоқараева Сайёра Арзикуловна, Холиёрова Хулкар Ташкентовна, Рўзиева Назира, Юлдашева Азиза Комиловна, Матлабова Мадина Алишер қизи, Оролов Азизбек Махмарасул ўғлининг контракт тўловларини тўлиқ тўлаб, хужжатларни ҳал қилиб, квитанция орқали пулларни қайтариб бериш учун 30.000 АҚШ доллари пулларни судланувчи З.Тўйчиева ва М.Гулямова ва Н.Шариповалар олмаганликларини, ушбу юқорида кўрсатилган шахсларнинг вакиллари судда ўзлари алоҳида жабрланувчи бўлиб келганликларини, жабрланувчи Г.Халимовага уларни ўрнидан контракт пулларини тўлашликларини айтмаганини, шунингдек, суд терговиди ҳам Г.Халимовани ушбу 30.000 АҚШ доллари берганлиги ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шариповаларнинг айбидан 30.000 АҚШ долларини чиқаришни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи З.Тўйчиева ва М.Гулямованинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди ва ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан нотўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, фирибгарлик йўли билан ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида, жуда кўп миқдор - энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдорни ташкил қилиши кўрсатилган бўлиб, ҳозирги кунда жуда кўп миқдор (223.000х500) 111.500.000 сўм ва ундан ортиқ бўлган миқдорни ташкил қилади.

Эндиликда судланувчиларнинг айб сўммасидаги бирор бир эпизод жуда кўп миқдорни ташкил қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида, жуда кўп миқдор - энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдорни ташкил қилиши кўрсатилган бўлиб, ҳозирги кунда жуда кўп миқдор (223.000х500) 111.500.000 сўм ва ундан ортиқ бўлган миқдорни ташкил қилади.

Қонунга кўра, давомли жиноятлар такроран содир этилган жиноятлардан фарқ қилади. Такроран содир этилган жиноятлар турли хил (икки ёки ундан ортиқ) мустақил жиноятлардан иборат бўлади ва айбдорнинг нисбатан юқори ижтимоий хавфлилиги ва жиноий ниятларининг барқарорлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган,



аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида, “Жиноятлар такроранлиги деганда, қонунга кўра шахс томонидан турли вақтларда қасддан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилиб, бунда содир этилган жиноят Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса” деб тушунтириш берилган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, судланувчи З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифоваларнинг жабрланувчиларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга қаратилган ҳаракатлари умумий қасд билан қамраб олинмаган.

Дастлабки тергов органи З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифоваларнинг фирибгарлик ҳаракатларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган маблағларини умумий қасд билан қамраб олинган деб ҳисоблаб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган маблағларни жамлаб, жами жуда кўп миқдордаги мол-мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган деб ҳисоблаб хатоликка йўл қўйган.

Бундан ташқари, судланувчиларнинг бирор-бир жабрланувчилардан олган пул миқдори жуда кўп миқдорни ташкил қилмайди.

Шу боис суд, судланувчи З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифоваларнинг жабрланувчиларнинг мулкларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги учун уларнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисмида, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Амалдаги қонун талабига кўра, била туриб қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ЖК 228-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган мустақил жиноят таркибини вужудга келтириб, ҳужжатларни қалбакилаштириш айбдор томонидан айнан улардан фойдаланиш мақсадида содир этилган тақдирда, ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан қўшимча баҳолаш талаб қилинмайди.

Ишдаги ҳолатларга кўра, судланувчи З.Тўйчиева, М.Гулямова ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, судланувчи Н.Шарифова томонидан бажарилган яъни Азаматов Дилшод Фахриддин ўғли номига 08.10.2018 йилда расмийлаштирилган 072114-сонли буйруқ, Сатторов Мақсуд Абдухофиз ўғли номига 12.10.2018 йилда расмийлаштирилган 092114-сонли буйруқлар, шуннигдек, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|4-сонли, Азимова Зулфия Ураковна номига



11.09.2018 йил куни 147|9-сонли, Абдухакимова Файёза Абдухакимовна номига 11.09.2018 йил куни 147|04-сонли, Исанова Дилафруз Шодиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|4-сонли, Матлабова Мадина Алишер қизи номига 11.09.2018 йил куни 147|7-сонли, Мейлиева Марифат Абдусаломовна номига 11.09.2018 йил куни 146|3-сонли, Оролов Азизбек Махмарасул ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|5-сонли, Раджабова Гулзода Абдувахоб қизи, номига 11.10.2018 йил куни 147|13-сонли, Рахимова Зебо Ураловна номига 15.10.2018 йил куни 151|13-сонли, Эргашева Зебинисо Турдиевна номига 10.11.2018 йил куни 147|10-сонли, Чориева Хуснора Ганишер қизи номига 15.10.2018 йил куни 151|14-сонли, Қамбарова Муаттар Очиловна номига 15.10.2018 йил куни 147|12-сонли, Эшонкулова Рахима Нарзуллаевна номига рақамсиз, Эсанова Дилдора Қаршиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|2-сонли, Сафарова Марғуба Рахимовна номига 11.10.2018 йил куни 147|2-сонли, Эсонова Дилдора Каримбаевна номига 11.10.2018 йил куни 149|8-сонли, Эшанкулова Рахима Нарзуллаевна номига 11.09.2018 йил куни 147-сонли, Шодмонова Зебинисо Абраевна номига 11.10.2018 йил куни 147|4-сонли, Ризаева Назира Эшқобиловна номига 11.08.2018 йил куни 150|10-сонли, Умарова Сарвиноз Тошмахамад қизи номига 11.10.2018 йил куни 147|5-сонли, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.10.2018 йил куни 150|9-сонли буйруқларни сохта қалбаки эканлиги билгани ҳолда улардан фойдаланганликлари аниқланган.

Бундан ҳолатда судланувчининг З.Тўйчиева ва М.Гулямованинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган яъни, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб ундан фойдаланиш жинойти аломатлари кўринмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатни, такроран ва бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қалбакилаштирганлик учун жинойт жавобгарлик белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, судланувчи З.Тўйчиева ва М.Гулямованинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган жинойт аломатлари йўқлиги сабабли, ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Тергов органи томонидан Н.Шарифовага такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни тайёрлашда ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан нотўғри айб эълон қилинган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 29 июль кунидаги ҳукмига кўра Н.Шариповага Азаматов Дилшод Фахриддин ўғли номига 08.10.2018 йил куни расмийлаштирилган 072114-сонли буйруқ, Сатторов Мақсуд Абдухофиз ўғли номига 12.10.2018 йил куни



расмийлаштирилган 092114-сонли буйруқларни компьютер мосламалари ёрдамида тайёрлаб қалбакилаштириб, гуёки ушбу буйруқларда Украина давлати, Харков шахрида жойлашган “Миллий тиббиёт олий ўқув” юртидан Тошкент Стаматология олий ўқув юртида тахсил олишни давом эттириш учун буйруқ чиққанлиги тўғрисида сохта маълумотлар киритган. Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|4-сонли, Азимова Зулфия Ураковна номига 11.09.2018 йил куни 147|9-сонли, Абдухакимова Файёза Абдухакимовна номига 11.09.2018 йил куни 147|04-сонли, Исанова Дилафруз Шодиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|4-сонли, Матлабова Мадина Алишер қизи номига 11.09.2018 йил куни 147|7-сонли, Мейлиева Марифат Абдусаломовна номига 11.09.2018 йил куни 146|3-сонли, Оролов Азизбек Махмарасул ўғли номига 11.09.2018 йил куни 146|5-сонли, Раджабова Гулзода Абдувахоб қизи, номига 11.10.2018 йил куни 147|13-сонли, Рахимова Зебо Ураловна номига 15.10.2018 йил куни 151|13-сонли, Эргашева Зебинисо Турдиевна номига 10.11.2018 йил куни 147|10-сонли, Чориева Хуснора Ганишер қизи номига 15.10.2018 йил куни 151|14-сонли, Қамбарова Муаттар Очиловна номига 15.10.2018 йил куни 147|12-сонли, Эшонкулова Рахима Нарзуллаевна номига рақамсиз, Эсанова Дилдора Қаршиевна номига 11.09.2018 йил куни 147|2-сонли, Сафарова Марғуба Рахимовна номига 11.10.2018 йил куни 147|2-сонли, Эсонова Дилдора Каримбаевна номига 11.10.2018 йил куни 149|8-сонли, Эшанкулова Рахима Нарзуллаевна номига 11.09.2018 йил куни 147-сонли, Шодмонова Зебинисо Абраевна номига 11.10.2018 йил куни 147|4-сонли, Ризаева Назира Эшқобиловна номига 11.08.2018 йил куни 150|10-сонли, Умарова Сарвиноз Тошмахамад қизи номига 11.10.2018 йил куни 147|5-сонли, Каримов Ориф Жура ўғли номига 11.10.2018 йил куни 150|9-сонли, буйруқларга юқорида номи келтирилган талабалар олий ўқув юртига апелляция тартибида ўқишга кирганлиги тўғрисида сохта маълумотлар жойлаштириб, буйруқлардаги М.Каримов имзосини сохталаштиришганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Бирок, тергов органи томонидан айблов хулоса тузишда Н.Шариповага айнан ушбу эпизодлар бўйича жазо тайинланганлигини инобатга олинмасдан ушбу айб эпизоди бўйича айб эълон қилиниб хатоликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-моддасининг 2-қисмида, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 463-моддасининг 1-қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши кўрсатилган.



Судланувчи Н.Шарифовага айнан шу айб эпизодлар бўйича ҳозирда жазо тайинланганлиги сабабли, Н.Шарипованинг айбидан ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларини чиқариб уни ушбу модда билан оқлашни, шунингдек, унинг ҳаракатида ЖКнинг 228-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари йўқлиги сабабли, ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Шу боисдан суд, судланувчи З.Тўйчиева ва М.Гулямовага ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, судланувчи Н.Шарифовага эса ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан жазо тайинлашни лозим топди.

Суд, судланувчи З.Тўйчиевага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, шунингдек, иш бўйича жабрланувчига етказилган зарарларни қопланмаганлигини, етказилган зарарлар миқдори кўплигини ҳисобга олиб ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисми нормалари қатъий амал қилиб, (*Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 6-қисмида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас” лиги кўрсатилган*) ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, (*муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмади, судланувчининг ушбу жинояти мансаб фаолияти билан боғлиқ эмас*) модда санкциясида доирасида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан модда санкцияси доирасида, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2018 йил 28 августдаги ажрими билан белгиланган жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2015 йил 16 октябрь кундаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмасдан қолган жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни ва жазони унинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган кундан бошлаб ҳисоблашни лозим топди.

Суд, судланувчи М.Гулямовага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб, жиноятни



ғаразли ниятларда содир этганлигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, шунингдек, иш бўйича жабрланувчига етказилган зарарларни қопланмаганлигини, етказилган зарарлар миқдори кўплигини ҳисобга олиб ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисми нормалари қатъий амал қилиб, (*Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 6-қисмида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас”лиги кўрсатилган*) ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, (*муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмади, судланувчининг ушбу жинояти мансаб фаолияти билан боғлиқ эмас*) модда санкциясида доирасида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан модда санкцияси доирасида, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни ва жазони унинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган кундан бошлаб ҳисоблашни лозим топди.

Суд, судланувчи Н.Шарифовага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, шунингдек, иш бўйича жабрланувчига етказилган зарарларни қопланмаганлигини, етказилган зарарлар миқдори кўплигини ҳисобга олиб ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисми нормалари қатъий амал қилиб, (*Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 6-қисмида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас”лиги кўрсатилган*) ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, (*муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмади, судланувчининг ушбу жинояти мансаб фаолияти билан боғлиқ эмас*) модда санкциясида доирасида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Н.Шарифова мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 28 октябрдаги ҳукми чиққунига қадар содир қилганлигини инобатга олиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан жазоларни қисман кўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тарикасида узил-кесил озодликдан



махрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияда ўтатиришни белгилашни, жазони бошланиш муддатини жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 28 октябрдаги ҳукмида кўрсатилган кундан, яъни 2019 йил 19 январь кунидан бошлаб ҳисоблашни белгилашни, унинг эҳтиёт чорасини аслича қамокда қолдиришни лозим топди.

Суд, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, судланувчилардан жабрланувчиларнинг фойдасига моддий зарарни қуйидаги асосларга кўра, яъни ҳукм чиқарилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматидан келиб чиққан ҳолда ундиришни лозим топади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг иккинчи бандида, шахснинг унга етказилган зарарни қоплашга бўлган ҳуқуқи, шунингдек, зиён учун моддий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексининг 14-моддаси ҳамда 57-бобда белгиланганлиги, шу муносабат билан жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш масалаларини ҳал этиш чоғида судлар нафақат жиноят процессуал қонунчилиги, балки фуқаролик, меҳнат ва бошқа қонунчилик нормаларига ҳам амал қилишлари лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1003-моддасига мувофиқ, суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 1026-моддасида, асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни асл ҳолида қайтаришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, қўлга киритувчи жабрланувчига бу мол-мулкнинг қўлга киритиш пайтидаги ҳақиқий қийматини тўлаши, шунингдек агар қўлга киритувчи орттирилган бойликнинг асоссизлигини билганидан кейин дарҳол унинг қийматини тўламаган бўлса, мол-мулк қийматининг кейинги ўзгариши туфайли кўрилган зарарни тўлаши лозимлиги кўрсатилган.

(2020 йил 10 июль ҳолатига 1 АҚШ доллари 10.184 сўм 73 тийинни ташкил этади.)

Қайд қилинган кўра, судланувчилар З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифованинг ҳисобидан жабрланувчи А.Ҳазратов ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи Ш.Халимованинг ҳисобига 1500 АҚШ долларига тенг 15.277.095 сўм, жабрланувчи Д.Исанованинг ҳисобига 1200 АҚШ долларига тенг 12.221.676 сўм, жабрланувчи М.Ражабовнинг ҳисобига 1000 АҚШ долларига тенг 10.184.730 сўм, жабрланувчи У.Рахимов ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи О.Қурбонов ҳисобига 1.000 АҚШ долларига тенг



10.184.730 сўм, жабрланувчи М.Рўзиева ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи З.Эргашева ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи А.Сатторов ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи М.Тайлоқова ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм ва жабрланувчи Г.Халимова ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм пулларни солидар тартибда ундиришни;

Жабрланувчилар Ф.Джабборов, Ф.Отабекова ва А.Умаровнинг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, шунингдек, жабрланувчи О.Қурбоновга етказилган 3000 АҚШ доллардан 2000 АҚШ доллари дастлабки терговда қопланганлигини қайд қилишни лозим топди.

Суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари тасвири ёзилган 2 дона ДВД диск, ҳамда жабрланувчи томонидан тақдим қилинган “Телеграмм”, СМС ёзишмалари ва тилхатни жиноят иши билан бирга сақлашни, шунингдек, жабрланувчиларга мазкур жиноят иши бўйича етказилган маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповна (То`uchiyeva Zumratoy Tolipovna) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 57-моддасига асосан, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Тўйчиева Зумратой Толиповнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2018 йил 28 августдаги ажрими билан белгиланган жазонинг шартлилиги бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2015 йил



16 октябрь кунидаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмасдан қолган 3 йил 2 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларида ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати 2019 йил 16 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи З.Тўйчиеванинг қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловна (Gulyamova Ma`mura Axrolovna) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Гулямова Маъмура Ахроловнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 5 (беш) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларида ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати 2019 йил 16 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи М.Гулямованинг қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи Шарифова Нодира Махсумовна (Sharifova Nodira Maxsumovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбсиз деб топилсин ва у ушбу модда билан оқлансин.

Судланувчи Шарифова Нодира Махсумовна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Шарифова Нодира Махсумовнага Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 28 октябрдаги ҳукми билан тайинланган 2 йил муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тўлиқ қўшилиб, 5 йил 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 йил муайян ҳуқуқдан,



яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияда ўтатирилсин. Жазо муддати 2019 йил 19 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Н.Шарифованинг қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчилар З.Тўйчиева, М.Гулямова ва Н.Шарифованинг ҳисобидан жабрланувчи А.Ҳазратов ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи Ш.Халимованинг ҳисобига 1500 АҚШ долларига тенг 15.277.095 сўм, жабрланувчи Д.Исанованинг ҳисобига 1200 АҚШ долларига тенг 12.221.676 сўм, жабрланувчи М.Ражабовнинг ҳисобига 1000 АҚШ долларига тенг 10.184.730 сўм, жабрланувчи У.Рахимов ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи О.Қурбонов ҳисобига 1.000 АҚШ долларига тенг 10.184.730 сўм, жабрланувчи М.Рўзиева ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи З.Эргашева ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи А.Сатторов ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм, жабрланувчи М.Тайлоқова ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм ва жабрланувчи Г.Халимова ҳисобига 2.000 АҚШ долларига тенг 20.369.460 сўм пуллар солидар тартибда ундирилсин.

Жабрланувчилар Ф.Джабборов, Ф.Отабекова ва А.Умаровнинг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Жабрланувчи О.Қурбоновга етказилган 3000 АҚШ доллардан 2000 АҚШ доллари дастлабки терговда қопланганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари тасвири ёзилган 2 дона ДВД диск, ҳамда жабрланувчи томонидан тақдим қилинган “Телеграмм”, СМС ёзишмалари ва тилхатни жинойт иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчиларга мазкур жинойт иши бўйича етказилган маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали жинойт ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья

Н.Ишмурадов

Аслига тўғри:

